Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 162 (20. 429) • 1989 йил 11 июль, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

10 июль куни Москвада, СССР Олий Советининг Мажлислар залида СССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

СССР Олий Советининг Раиси **М. С. Горбачев** раислигида ўтган палаталарнинг қўшма мажлисида Иттифоқ бош прокурори аввалги мажлисда тақдим этган СССР Прокуратураси коллегиясига номзодлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш давом эттирилди.

Сессия, кўпчилик овоз билан муҳокамасиз **Г. П. Смирнов** ва **Ю. Н. Шадрини** иттифоқ прокуратураси коллегиясининг аъзолари этиб тасдиқлайди.

Сессия СССР Прокуратураси раҳбарлик лавозимларига даъвогарлардан **А. Н. Шкребец** ва **Ю. А. Хитрин** сўзларини тинглади. Саволларга жавоб берилганидан кейин улар Иттифоқ прокуратураси коллегиясининг аъзолари этиб тасдиқландилар.

СССР Олий Совети СССР министрлари ва давлат комитетлари раҳбарларини лавозимларига номзодларни яна кўриб чиқа бошлади.

В. В. Бакатинни СССР ички ишлар министри этиб тайинлаш тўғрисида таклиф киритилади.

Мамлакатда жиноятчиликнинг ўсиш суръатлари жуда юқори бўлиб турибди, деди у. Яқин орада жиноятчилик камаяди, деб умид боғлаш мумкин эмас. Нотиқ жамиятни оғир жиноятчилик вазнятига солган сабабларни батафсил таърифлаб берди.

Шундан кейин у жиноятчиликка қарши давлат программаси қайси йўналишларда олиб борилаётгани ҳақида депутатларга ахборот берди. Чунончи, ресурслар масаласи ўткир бўлиб турибди. Жиноятчилик адлиясига кетадиган харажатларни дарҳол кўпайтириш керак. Бундан муддао шуки, унинг сифати ва техникавий жиҳозланишини ошириш имконияти пайдо бўлади. Шу соҳага сарф-харажатлар тежаладиган бўлса, жуда қимматга тушиши мумкин.

Айни вақтда Ички ишлар министрлиги органларидаги камчиликларни тезроқ бартараф этиш керак, деди министр лавозимига номзод. Ушбу органларда қайта қуриш бошланди, аммо қийинчилик билан боряпти. Ҳужжатбозликка қарши, процент ўстириш қувишга қарши кураш биринчи галда вазифалар қаторига тушга олинди. Ички ишлар министрлиги органларининг бошқарувини маҳаллийлаштиришга, илдиз отган бюрократизм ва расмиятчиликни йўқотишга катта аҳамият берилмоқда. Ҳозир кадрлар билан ишлаш масалалари алоҳида аҳамиятга эгадир. Ички ишлар министрлиги органларини порахўрлардан тозалаш, ходимларнинг профессионал тайёргарлигини ошириш учун фаолроқ иш олиб борилмоқда. Нотиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш программаси тўғрисида батафсил гапирди.

Жамиятни муҳофаза этишнинг мустаҳкамлигини ошириш учун тегишли аниқ ҳуқуқий механизм зарур, деди у. Жиноятчилик хуружини қонуннинг ишончли негизи билангина бартараф этиш мумкин.

Даъвогар жуда кўп саволларга жавоб қайтарди.

В. В. Бакатин номзодини муҳокама қилишда депутатлардан **А. А. Лиханов, А. Г. Журавлев, В. И. Самарин, К. К. Уока, А. А. Шчелканов** иштирок этдилар.

Олий Совет кўпчилик овоз билан В. В. Бакатинни СССР ички ишлар министри этиб тайинлайди.

(ТАСС).

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ Совет телевидениеси мухбири билан суҳбати

М. С. Горбачев Бухарестдан жўнаб кетиш арафасида РСР Давлат Кенгашининг залида Совет телевидениеси мухбирининг Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг Руминия пойтахтида бўлиб ўтган кенгаши якунларига оид саволларига жавоб қайтарди.

Савол: Михаил Сергеевич, мажлис тугади. Бундай учрашувларни социалистик мамлакатларнинг ўзаро муносабатларида муайян даражада алоҳида босқич деб атайдилар, бинобарин, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ўртага ташлаган жиддий тинчлик ташаббуслари эса олинса, бу ташаббуслар жаҳондаги жараёнларга ҳам таъсир ўтказмоқда. Бўлиб ўтган учрашувни сиз қандай баҳолайсиз?

М. С. Горбачев. Фикрингизга қўшиламан, Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгашини ҳам, қардош партиялар Марказий Комитетлари Бош секретарлари, Биринчи секретарларининг мана шу қисқача учрашувини ҳам муайян тарзда алоҳида босқич деса бўлади. Аввало бу фикр шу муҳим воқеалар қайси даврда бўлиб ўтганлиги билан белгиланади. Европада ҳам, дунёда ҳам катта ўзгаришлар, ўзгариш бўлганда ҳам яхшилик сари — халқаро муносабатларни соғломлаштириш сари ўзгаришлар рўй бермоқда. Ортиқча манзиратни йиғиштириб қўйиб айтишимиз керакки, бу ўзгаришлар Варшава Шартномасида бирлашган иттифоқчи давлатлар ташаббускор сиёсатининг кучли таъсири остида рўй бермоқда.

Ҳозир вужудга келган муҳит мунозараниг боришини ҳам, биз бугун эрталаб имзолаган якунловчи ҳужжатнинг мазмунини ҳам белгилаб берди. Бу амалий ва реалистик ҳужжат бўлиб, барча европаликларнинг манфаатларини эътиборга олади. НАТО каби ҳарбий-сиёсий ташкилотнинг ҳам манфаатларини назарда тутади. Унда реалистик ёндашувлар асосида бундан буён қандай ҳаракат қилишнинг бутун бир программаси баён этилган. Аслида, шу туфайли аввало Венадаги музокаралар жараёнига яхши омил бахш этиш учун дуруст негиз яратилмоқда.

Савол: Европа хонадони қурилишига Бухарестда яна бир ғишт қўйилди, деса бўлар, чоғи.

М. С. Горбачев: Эҳтимол, ғишт қўйишдан кўра каттароқ иш қилинди. Кенгашдаги мунозараниг амалий характери, расмиятчиликларнинг йўқлиги менга жуда ёқди. Жуда рўй-рост мулоҳазалар айтилди, нуқтан назарлар, фикрлар таққосланди. Ниҳоят, вазият рўй бераётган ўзгаришлар таҳлилининг натижалари яхшигина ҳужжатда ифодаланди.

Эндиги вазифа бу ерда асос солинган ҳамма ишларни музокарадошларимиз билан амалий аҳдлашувларда мужассамлаштиришдан иборат. Венадагина эмас, бошқа йўналишларда ҳам шундай қилиниши лозим. Чунки бу ерда айтилган гаплар умуман янги халқаро тартибни вужудга келтиришга ёндашувларни ўз ичига олади. Жаҳоншумул муаммолар, шу муаммолардан келиб чиқаётган хавф-хатар халқаро кучгайратларни бирлаштиришни ва БМТнинг ролини оширишни талаб қилаётганлиги эслатиб ўтилди.

Учинчи дунёнинг муаммолари ҳам эсдан чиқарилгани йўқ, жуда жиддий бўлган мана шу муаммолар ҳам халқларнинг биргаликдаги кучгайратларини талаб қилади. Умуман кўпдан-кўп муаммолар муҳокама қилинди.

Шу сабабли мен Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгашини юқори баҳолайман ва шу муносабат билан ҳарбий-сиёсий ташкилотимизнинг тақдири ҳақида яна бир бор ўйлаб қолдим. Бизнинг ташкилотимиз халқаро вазиятни яхшилаш ишига дуруст хизмат қилди. Турмуш ўзгарган сайин бу ташкилот ҳам ўзгараверади. Аммо ҳозирча ташкилотимиз ўз ролини ўйнамоқда.

Эҳтимол, қуролсизланиш, хавфсизликни мустаҳкамлаш жараёни ривожланиб, Европадаги қарама-қарши туриш камайиб, бошқа вазият вужудга келар, шунда, чамаси, иттифоқ аввалига ҳарбий сиёсий ташкилотдан сиёсий-ҳарбий ташкилотга айланар. Сўнгра эса, эҳтимол, биз пировард вазифани ҳал этишга, ҳарбий блокларни тарқатиб юборишга киришармиз. Бу блоклар абадий эмас-ку, ахир, бир вақт келиб, уларга зарурат қолмайди. Аммо, бу — келажакдаги иш, деб ўйлайман. Ҳозир бу ташкилот яхши ишлаб турибди.

Бу ерда, давра столи атрофида партияларнинг раҳбарлари ўртасида қисқача учрашув бўлди. Бу учрашув амалда вужудга келган вазиятни эътиборга олиб, кўпроқ ҳамжиҳатликни, ҳамкорлигимизга кўпроқ жўшқинлик, теранлик ва кенг миқёс бахш этиш муддаосини намойиш қилди. Совет Иттифоқидаги аҳвол ҳам, Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашидаги дўстларимиз экономикасининг тараққиёти ҳам ҳамкорликни чуқурлаштиришни талаб қилади. Модомики шундай экан, гарчи қийинчилик билан бўлса ҳам биз ҳамкорликнинг меҳнат тақсимоти асосида бирлашиш вазифаларига мос бўлиб тушадиган янги усулларини топиш бўсағасида турганлигимизни айтмоқ керак. Бу эса ҳамкорлигимизга бутунлай бошқача тус бериши, бошқача натижалар келтириши керак. Бу ўринда ҳам сусткашлик қилиб бўлмайди, ҳаракат қилиш керак, чунки бир қанча муҳим йўналишлардаги қолоқлик умумий тараққиёт суръатларига, иқтисодий ривожланиш натижаларига ва табиийки, халқларимизнинг турмуш шароитига таъсир қилмоқда. Шу сабабли биз бугун бошланган суҳбатни бирмунча кенгроқ асосда давом эттиришга, ҳамма масалаларни бир неча кун давомида муҳокама қилишга аҳдлашиб олдик, янги беш йиллик давр арафасида ҳамма нарсани пухта ўйлаб кўриш, зарур тахминларни чамалаш ва ҳисоб-китоб қилиш лозим. Мана шу аҳдлашувни ҳам Бухарестдаги учрашувнинг муҳим натижаси деган бўлур эдим.

(ТАСС).

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Ҳиндистон билан амалий ҳамкорлик совет уюшмасининг Деҳлидаги ваколатхонаси бошлиғи Р. К. Чопра Тошкентда меҳмон бўлиб турибди. У Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига борди, Ўзбекистон пойтахтидаги диққатга сазовор жойларни кўздан кечирди.

Р. К. Чопра «Ўзбекинторг» ташқи савдо бирлашмаси, республиканинг манфаатдор министрликлари ва идоралари раҳбарлари билан учрашади, мазкур учрашувлар чоғида Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятлари кўриб чиқилади.

10 июль куни Ҳиндистон ваколатхонасининг бошлиғини Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида иккала томонни қизиқтираётган масалалар тилга олинди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари П. М. Абдураҳмонов қатнашди.

(ЎзТАГ).

Область Советининг сессияси

Наманган, 10 июль. (ЎзТАГ). Бу ерда халқ депутатлари Наманган область Советининг сессияси бўлди. Унда меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини жорий қилиш асосида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан Советларнинг ва хўжалик органларининг вазифалари муҳокама қилинди. Область ижроия комитетининг раиси Б. Ж. Ҳакимов доклад қилди.

Сессияда Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов нутқ сўзлади.

МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИЛАР

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг навбатдаги кенгаши ишида қатнашган КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Раиси М. С. Горбачев бошчилигидаги Совет делегацияси 8 июлда Бухарестдан Москвага қайтиб келди. Делегация составида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри армия генерали Д. Т. Язов бор эдилар.

Аэродромда делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Н. Н. Слюньков, В. М. Чебриков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Г. П. Разумовский, Н. В. Тализин, КПСС Марказий Комитетининг секретари О. Д. Бакланов, СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг Раислари Е. М. Примаков ва Р. Н. Нишонов кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Руминиянинг СССРдаги элчиси И. Букур, Франциянинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Ф. Бошато бор эдилар.

(ТАСС).

БЕШ ЙИЛЛИК МЕҲНАТ ВАХТАСИДА



НИЯТ ЯХШИ БЎЛСА

Мана бир неча йилдирки, Хоразм областининг пахтакор хўжаликларида оила пудрати кенг жорий этиляпти. Бунинг самараси деҳқонлар эришаётган ютуқларда кўриниб турибди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ўғилжон Худойберганова раҳбарлигидаги бригада ҳам оилавий пудрат усулида ишлаб, катта муваффақиятга эришаётир. Коллектив Урганч районидаги Чапаев номли колхозда пешқадамлардан саналади. Меҳнатни ташкил этишнинг илғор усули ютуқлар омили бўляпти. Яқинда областда юз берган табиий офат ҳам бригада аъзоларининг иродасини синдира олмади. Ў. Худойберганова етакчилик қилаётган миришкорлар хўжаликдаги пахтакор бригадалар орасида пешқадамликни қўлдан бермаяпти. Улар айниқса, шу кунларда ғўза парваришини кучайтирмоқдалар. Сув танқислигига барҳам бериш мақсадида ғўзалар фақат тўйда суғориляпти. Вақтида культивация қилинган ариқлар баравж ривожланаётир. Бу кузда олинадиган мўл ҳосилдан дарак беради.

Ўғилжон Худойберганова (олдинда) бошлиқ бригада аъзолари ғўзага иккинчи комплекс ишлов беришни бошлаб юбордилар.

Қ. ОТАЕВ сурати (ЎзТАГ).

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

Ғўза гуллади

✦ Ҳазорасп районидаги «Партия XXI съезди» совхозининг Ражаб Тожиев бошлиқ бригадасида ғўзалар қийғос гулга кирди.

Авваллари қолоқ саналиб келган бригадада ғўзаларнинг эрта гуллаши кўпчиликни ҳайратга солди.

Деҳқонларнинг ўзлари эса буни қонуний воқеа деб ҳисобламоқдалар. Ўттиз онла юз гектар ернинг ҳаммасини ўзаро тақсимлаб олган эди. Ҳар бир кичик коллектив мавсум бошидан охирига қадар ўз даласини парваришлайди. Ҳозир далаларда бегона ўтларни кўрмайсиз, ҳамма ерда ғўза кўчатлари зич униб чиққан. Сув танқислиги шароитида ишлашга ҳам ўрганиб олишди: ғўзаларни фақат тунда, белгиланган график асосида суғоришмоқда.

Ишнинг кўзини билиб

✦ Ленинобод районидаги «Ленинград» совхозининг Бердибой Мамбетёров бошлиқ ижарачи бригада далаларида ғўза гулладн.

Теп-текис униб чиққан ва тик ғўзалар май ойида бўлган жала-ёмғир ва дўлларни кўрмагандек. 250 гектар майдоннинг бир қарич ери ҳам табиий офатдан шикастланмади. Ҳолбуки, бир йил муқаддам деҳқонлар об-ҳаво ёмон келиши натижасида катта майдонларда ғўзаларни қайта экишларига тўғри келган эди.

— Бу гал «юқоридан» кўрсатмасиз чигит экдик, дейди бригада бошлиғи. — Ҳамма нарсани икир-чикиригача ўйлаб олдик ва шошилмасликка қарор қилдик. Сўнг қисқа муддатларда экишни тугатдик. Янглишмаган эканмиз: дастлабки суғоришни ҳам бошлаб юбордик. Бинобарин, сувнинг тақчил бўлишини эшитиб, қатор оралиғини чуқурроқ ковламасликка, аксинча тупроқни юмшатишга қарор қилдик. Шу йўл билан сувни тежашга умид қиляпмиз.

Совхоз деҳқонларининг ишга омилкорлик билан амалий ёндашаётганликларини бошқа нарсаларда ҳам кўриш мумкин. Алмашлаб экиладиган майдонларда бедагина эмас, сабзавот, мош, кунжут, маккажўхори, хашаки лавлаги ва ошқовоқлар ҳам парваришланмоқда. Баҳор ойларида 22 гектар ерда совхозда биринчи жуда катта боғ яратилди. Озуқа тайёрлаш билан шуғулланаётган ижара коллективлари эса ҳосилдорликни ошириш, пичан ўрими оралиғидаги муддатларни қисқартириш ҳисобига совхоз фермасини ўт-ўлан ва хашак билан тўла таъминлаш ниятидадирлар.

Иккинчи ҳосил

✦ Сирдарё районидаги «Ўзбекистон» колхозининг Умурзоқ Олимов бошлиқ звеноси бу мавсумда иккинчи ҳосилни ҳам йиғиштириб олди.

Далалардан эндигина чиқиб кетган комбайнлар билан ҳар гектар ердан 40 центнердан арпа янчиб олинди. Бу пландагидан 15 центнер кўпдир. Ҳозир ерларни ҳайдашга киришмоқдалар.

Озуқа етиштирувчилар биринчи ҳосилни баҳорда йиғиштириб олишган эди. Гектар бошига 290 центнердан кўк перко ҳосили етиштирилганди. Энди бу ерда силос учун экилган маккажўхори авж олиб ўсмоқда. Арпадан бўшатиб олинган далага эса кузгача дам берилади, сўнг беда экишади.

Хўжаликнинг онлавий пудрат асосида ишлаётган бошқа озуқа етиштирувчи звеноларида ҳам ишлар график асосида олиб борилмоқда. Бу эса колхоз фермаларига ем-хашакнинг мунтазам равишда келиб туришини таъминлайди.

Ёшлар ташаббуси

Жалолқудуқ районидаги «Пахтакор» колхози ёшларининг ташаббуси туфайли шу йилнинг олти ойи ичида 80 минг сўм даромад олди.

Йил бошида бу ердаги ўрта мактабнинг битирувчи қизлари колхоз правлениесига мурожаат қилиб, сабзавот кўчатлари етиштириш учун бўш ётган ерда чоғроқ теплица хўжалиги қуришда ёрдам беришни илтимос қилишди. Ғоя маъқул бўлди. Бундан ташқари уни амалга ошириш учун колхоз катта ҳаражатлар қилишига хожат бўлмади.

Теплицада 22 нафар ёш қиз ишлаяпти. Тажрибали сабзавотқор, ёшларнинг устози А. Сиддиқовни бригадир қилиб сайлашди. Теплица эртаки карам, помидор, булғор қалампири ва бошқа сабзавотлар кўчатлари билан ўз колхозларидаги далачилик бригадаларинигина таъминлаб қолмасдан, шу билан бирга хўжаликдаги аҳолининг ўз ҳовлиларига экиш учун кўчатга бўлган эҳтиёжларини ҳам қондирди. Ҳозир қизлар кузги карам кўчатларини парвариш қилишяпти.

(ЎзТАГ).

Ижарачилар ғайрати

✦ Ульянов районидаги «Қашқадарё» совхозида боғ майдонлари ижарачиларга бўлиб берилганидан сўнг гектарлар ҳосилдорлиги муттасил ошиб боряпти.

Ўтган йили совхоз эл дастурхонига 111 тонна сифатли маҳсулот етказиб берди. Бу йил ижарачи боғбонлар олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Аҳоли дастурхонига 76 тонна ҳўл мева, 10 тоннадан ошиқ узум етказиб берилиши лозим. Ижарачилардан Бўри Қодиров йил бошида совхоз билан тузган шартномани бажарди. 2 гектар боғнинг ҳар гектаридан 90 центнердан ҳосил олиб, эл дастурхонига 180 центнер олма тортиқ этди. Ҳали ҳосили териб олинмаган, анчагина мевали дарахтлар турибди. Бўри Қодиров бошлиқ ижарачи боғбонлар ялпи ҳосил миқдорини 300 центнерга етказишга сўз беришган. Ижарачилар 2 гектар майдондаги токзорни ҳам меҳр билан парваришлашяпти.

Ж. ЮСУПОВ.

• Съезддан кейинги ўйлар

БИР УМРГА ТАТИГУЛИК ТААССУРОТ

СССР халқ депутатларининг биринчи съезди унутилмас таассурот қолдирганлигини бир сўз билан ифодалаш қийин. Қанчалик ҳиссиётлар, турли-туман мулоҳазалар, кечинмалар баҳслар туғён урганлигини тасаввур қилолмайди киши. Лекин тан олиш керакки, Кремлда ҳаётий, муҳим масалалар тилга олинди. Бу кундалик ҳаётимиз билан турмуш тарзимизга дахлдор масалалардир.

Мамлакатнинг узоқ-яқин районларидан пойтахтга борган депутатлар сўз олиб, съезд минбаридан турмуш муаммолари билан боғлиқ қанчадан-қанча амалий таклифларни ўртага ташлаганликлари демократия ва ошкоралик кундалик ҳаётимизга чуқур кириб бораётганлигини яна бир карра намойиш этди, десам хато қилмайман.

Бир сўз билан айтганда, съезд демократия ва ошкоралик мактаби бўлиб қолди. СССР Фанлар академияси экономика институтининг директори Л. И. Абалкин, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Назарбоев, «Вопросы экономики» журналининг бош редактори Г. Х. Поповнинг съезд минбаридан янграган оташнафас сўзлари менда, айниқса чуқур таассурот қолдирди. Улар тилга олган муаммолар бизнинг регионда ҳам тўлиб-тошиб ётибди.

Турғунлик йилларида халқ хўжалигини тараққий эттириш ишига бирёқламалик билан ёндашилганлиги, социал адолатсизлик, экологиянинг бузилганлиги, пахта якка ҳокимлиги ва маъмурий-буйруқбозлик иш услубларига, съездлар залида ўтирар экансан, менинг ҳам хаёлимдан нари кетмасди. Афсуски, республикамиздан 17 халқ депутати сўзга ёзилиб, минбар саноқли кишиларга насиб этди. Ҳолбуки, сўзга ёзилганлар орасида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Давлат план комитети раиси А. Р. Отажонов айтмоқчи бўлган фикрларда иқтисодий кўрсаткичлар ва муаммоларнинг ечими аниқ-равшан ёритилган эди. Шунингдек, наманганлик халқ депутати А. Абдураҳимов ҳам кўпгина муҳим социал муаммоларни тугиб қўйган эди. Агар сўз берилганда, мен ҳам Қарши даштида сайловчиларимни қизиқтирган масалалар ҳақида, баъзи социал адолатсизликлар ҳақида гапирмоқчи эдим.

«Бутун ҳокимият — Советларга!» шиори билан ўтган съездимиз воқеа бўлиб қолди. Мен илгари сурган ғоялардан бири мамлакат экономикасини тиклаш, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш масаласидир. Содда қилиб айтганда, одамлар қорнини тўйғазмай, уларни кийинтирмай мақсадга эришиш қийин. Съездда кўйилган масалаларнинг аксарияти шу мавзуга қаратилганлиги бизни қувонтирди.

Съездда саноат ва қурилишдаги мавжуд ресурс ва маблағлардан тўғри фойдаланиш таъкидланди. Баъзи қурилишлар узоқ муддатга чўзилиб кетяпти. Сарфланаётган маблағлардан самара олинмаяпти. Депутатлар ресурслар қанча кўп бўлса, маблағлар ҳам шунга яраша бўлиши кераклигини талаб қилдилар. Кўпгина жойларда ҳали ҳам маъмурий-буйруқбозлик услуби устунлик қилмоқда. Экономикани кўтариш учун хўжалик юритишнинг мақбул ва хилмахил формаларидан ўринли фойдаланмоқ лозим. Бу — М. С. Горбачев ва Н. И. Рижков докладларида ҳам алоҳида уқтириб ўтилди. Планлаштиришнинг аниқ-пухта стратегияси ишлаб чиқилмоғи кераклиги кўрсатилди.

Болтиқбўйи республикалари ва Белоруссия ССР хўжалик ҳисобига ўтганлиги съездда тан олинди. Бу — яхши дадил қадам. Агар қардош республикалар хўжалик ҳисобига ўтса, у ҳолда Иттифоқ ташкилоти Иттифоқ бюджетига ўтказадиган маблағнинг маълум қисми социал масалаларга сарфланарди. Шунингдек, республикалар орасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархлари (жумладан пилла, пахта, гўшт, сут, мева, полиз) орасидаги тафовут ҳам ер билан осмонча. Бу ҳам, албатта, социал адолатдан эмас.

Ўзимизни тўлқинлантирган фикрларнинг ҳаммасини катта съездлар залидан айтолмадик. Шунинг учун айрим сайловчилардан эътирозлар ҳам эшитдик. Ҳатто улар телеграммалар ҳам юборишди. Айримлар Болтиқбўйи республикасига қараганда Ўрта Осиёдан борган халқ депутатлари пассивлик кўрсатишди, деган гап-сўзлар ҳам қилишди. Бу гапларни сайловчилардан ҳам ўз қулоғим билан эшитаяпман. Очиғи, сўзга чиқишга биз ҳам иштиёқманд эдик. Масалан, областимизда ёшлардан 60 минггa яқин кишига иш топиб бериш муаммо бўлиб турганлиги, ўзимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, аҳолини томорқа билан таъминлаш, қазиб чиқарилаётган ер ости газимизни ўзимиз химиявий қайта ишлашимиз билан боғлиқ қўпдан-кўп муаммолар қалбимизга тинчлик бермасди. Улардан айримларини съезднинг ёпиқ йиғилишларида қисқа бўлса-да, баён қилишга эришдик. Сўзга чиққан депутатлар пахта яккаҳокимлиги билан боғлиқ масалани конкрет фактлар билан изоҳладилар. Бу жиҳатдан менга ёзувчи Одил Ёқубовнинг нутқи маъқул тушди.

Мен депутатларимизни мамлакат аниҳуманида пассив қатнашдилар, дея олмайман. Чунки халқ орасидан депутатлар жуда тўғри танланган. Айниқса, Тошкент области ва шаҳри, Фарғона, Наманган областларидан борган депутатлар билан мулоқотда шу нарса маълум бўлдики, улар халқнинг дилини пайқаган, қалбига қулоқ тутган, мамлакатни социал ривожлантиришга мустаҳкам бел боғлаган вакиллардир. Съездда қатнашиб келдик. Бироқ вазифаларимиз мураккаб. Эндиликда қатъият билан сайловчилар наказларини бажаришга киришишимиз лозим.

Тўлқин ОМОНОВ,
СССР халқ депутати,
Шўртан газ конлари бошқармаси бошлиғи.

Область Советининг сессияси

Наманган, 10 июль. (ЎзТАГ). Бу ерда халқ депутатлари Наманган область Советининг сессияси бўлди. Унда меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини жорий қилиш асосида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан Советларнинг ва хўжалик органларининг вазифалари муҳокама қилинди. Область ижроия комитетининг раиси Б. Ж. Ҳакимов доклад қилди.

Сессияда Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов нутқ сўзлади.

• ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ИДЕОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

Республикамиз шаҳарларидаги ишлаб чиқариш корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва барча меҳнат коллективларида сиёсий ва иқтисодий ўқув йили якунланди. КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуриш тўғрисидаги қарори» бу соҳадаги ишларни тубдан қайта қуришда катта роль ўйнади. Бироқ редакцияга жойлардан келаётган хатларда сиёсий ва иқтисодий ўқишда ҳали ҳам жиддий нуқсонлар борлиги, расмиятчилик барҳам топмаётгани ҳақида ташвиш билдирилмоқда. Меҳнаткашларнинг ана шу ҳақда билдирган фикр ва мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

МЕНИНГ ФИКРИМЧА...

ТАЛАБ ВА ТАЪЛИМ

Сиёсий ва иқтисодий таълимнинг турғунлик йилларидаги аҳволи ҳаммамизга маълум. Кўп гапирилиб кам иш қилинар ва у қоғозбозлик, кўргазмабозликка айланиб қолган эди. Хайриятки, жамиятимиздаги ижобий силжишлар бу соҳаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бунда КПСС Марказий Комитети қабул қилган сиёсий ва иқтисодий таълимни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳақидаги қарор, айниқса муҳим роль ўйнади.

Партия ўқувидаги ижобий самаралар нималарда кўринади? Даставвал унга муносабатнинг ўзгарганида. Ҳозир фабрикамиз коммунистлари машғулотларда фаол қатнашишяпти. Негаки социал-иқтисодий соҳаларда партиянинг янгича сиёсатидан сабоқ олишяпти, хўжаликни бошқаришни ўрганишяпти. Бундай билимнинг нечоғли зарурлигини тўла хўжалик ҳисобида ишлаётган коллективлар яхши билишади. Шу билан бирга таълимнинг ҳаётга яқинлиги, амалийлиги таъминланди.

Ҳаёт доимо ривожланишда. Шу боис кечагина энг намунавий саналган нарсалар, тадбирлар ва системалар бугунги кунга келиб талабдан орқада қолиши мумкин. Сиёсий ва иқтисодий таълим системасида ҳам шундай ҳол юз берди. КПСС Марказий Комитетининг қарори чиққан пайтда биз уни мамнунлик билан қабул қилиб олган эдик. Орадан кўп ўтмай, партия аппарати структурасида ўзгаришлар рўй берди. Масалан, шаҳар партия комитетларининг саноат бўлими қисқарди. Илгари иқтисодий ўқувга раҳбарлик шу бўлим зиммасига юклатилганди. Ҳозир бу масала билан шаҳар, район ва область партия комитетларида қайси бўлим шуғулланиши номаълум бўлиб қолди. Шунинг учун КПСС Марказий Комитетининг мазкур қарорига партия аппарати структурасидаги ва жамиятимиздаги кейинги пайтларда рўй берган ўзгаришларни ҳисобга олиб, тузатиш киритиш лозим, деб ўйлайман.

Айни пайтда таълимни кинофильм, адабиётларсиз тасаввур этиш қийин. Фабрикамиз ўқув кабинети ҳам энг замонавий видеоускуналар билан жиҳозланган. Лекин сиёсий ва иқтисодий таълимга доир ҳужжатли фильмларнинг тақчиллиги туфайли ундан самарали фойдаланаётганимиз йўқ. Сиёсий адабиётлар ҳам жуда кам. Бунинг устига борлари рус тилида. Коллективимизнинг асосий қисми ўзбеклар. Бинобарин, республикамиз киночилари ва нашриёт ходимлари бу борада яқиндан кўмак беришса, хўжалик ҳисоби ҳақида ўзбекча назарий ва амалий фильмлар, китоблар яратсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хуллас, ҳар бир соҳада бўлгани сингари сиёсий ва иқтисодий таълимда ҳам қайта қуриш ҳаёт билан ҳамқадам бориши зарур.

Р. ЛИ,
Урганч шаҳридаги шойи тўқиш фабрикаси бошланғич партия ташкилотининг секретари.

МУАММОЛАР КЎП

Деярли икки йил мобайнида биз бошланғич партия ва комсомол ташкилотларининг секретарлари, бюро аъзолари, совет ва хўжалик ходимлари область партия комитети сиёсий маориф уйи аудиторияларида сермазмун лекциялар тингладик.

Тингловчилар 300 соатлик машғулотлар давомида партия қурилиши, КПССнинг тарихий тажрибаси, партия XXVII съезди қарорлари асосида КПСС сиёсатининг актуал муаммолари, мамлакатни социал иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш ва бошқа муҳим мавзуларда анча кенг ва чуқур билимларга эга бўлишди. Айниқса О. Вафоев, Л. Саткова, Ш. Абдуллаев, А. Ниёзматов ўқиган лекциялар яхши таассурот қолдирди.

Шахсан мен ўқиш жараёнида меҳнат коллективларида идеология иши ҳаётдан анча орқада қолганлигини чуқур ҳис қилдим. Биз — пропагандистлар кўпинча назарий ваъзхонликка берилиб, меҳнат кишиси қандай ташвишлар билан яшаётганини эътибордан четда қолдирган эканмиз. Бундан бир неча ой муқаддам автоколоннамизда содир бўлган воқеа буни исботлаб берди. Йиғилишларнинг бирида ишчилар биздан меҳнат кишисининг турмуш ташвишлари билан конкрет шуғулланишни қатъиян талаб этишди. Шу муносабат билан ташкил қилинган комиссия ўтказган текшириш жараёнида бу талаблар ўринли эканлиги аниқланди. Партия ва комсомол ташкилоти корхона маъмурияти билан ҳамкорликда социал-иқтисодий тадбирлар мундарижасини ишлаб чиқиб, уларни ҳаётга тадбиқ этишга киришди.

Айни маҳалда корхона территориясида сабзавот ва гўшт дўконлари, новвойхона, ошхона ишлаб турибди. Яқин вақт ичида маиший хизмат корпуси, 48 квартирали турар-жой, янги автобаза қурилишига киришилади. Маҳаллий бюджет ҳисобидан бериладиган дотация эвазига шаҳар маршрутларида ишлайдиган ҳайдовчилар маошини ошириш масаласини қўймоқдамиз. Кўрилаётган тадбирлар меҳнат активлигига самарали таъсир кўрсатди. Хўжалик ҳисоби жорий этилгани туфайли иқтисодий кўрсаткичлар тобора юксалмоқда.

Марксизм-ленинизм университетидаги икки йиллик таълим шаҳарлараро партия ва сиёсий ўқувда ишнинг ташкил қилинишидаги айрим муаммолар тўғрисида мустақил фикр юритишимга имкон берди. Менимча, университетда лекторликка жалб қилинаётган барча ходимлар ҳам давр талабига жавоб беришмайди. Қуруқ назариётчилик айримларнинг иш услубида устунлик қилмоқда. Натижада ўқув жараёнида қатнов кўрсаткичлари 65-70 процент атрофида бўлди. Ахир, оғир меҳнат кунидан кейин амалий фойдадан холи бўлган лекцияларни тинглашни ким ҳам истайди?

Ўқув машғулотларининг тематик доирасига ҳам эътиборни қаратмоқчиман. Назаримда, тингловчи ўқувнинг қайси соҳаси бўйича таълим олишидан қатъи назар, хўжалик юритишнинг янги усуллари, компютер техникаси билан ишлаш бўйича машғулотларни кўпайтириш лозим. Ҳозирги шароитда бундай билимлар пропагандистга сув ва ҳаводек зарур. Шунинг учун ҳам янги ўқув йили бошланишидан олдин группаларни шакллантириш даврида тингловчиларнинг асосий кўпчилиги экономика бўлимида таълим олиш хоҳишини билдиришади. Янги вазифалардан келиб чиқиб, марксизм-ленинизм университетлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари кўрилса, фойдадан холи бўлмайди.

Л. СЕЙТҒОЗИЕВ,
Бухоро шаҳридаги 25/33 автоколонна эксплуатация бўлимининг инженери.

ҚЎЛЛАНМА ЕТИШМАГАЧ...

Иқтисодий ўқувдан мақсад ҳар бир кишида иқтисодий тафаккур, социалистик омилкорлик ва ишчанлик туйғусини шакллантиришдан иборат. Аслида кундалик турмушимизда иқтисодий ўқувдан талаб ҳам шу.

Корхонамизда иқтисодий ўқувга 1060 киши жалб қилинган. 22 жойда ташкил этилган иқтисодий ўқув машғулотларига бирлашма ишчилари, инженер-техник ходимларининг 70 процентдан кўпроғи жалб қилинган. Бир йилдан бери хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаётган корхонамиз учун ишчиларнинг иқтисодий билимларни кунт билан эгаллаётгани муҳим аҳамият касб этяпти, албатта. Улар тўла хўжалик ҳисоби, ўз харажатини ўзлари қоплаш ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш каби қатор долзарб муаммоларни ўргандилар. Бу билимлар хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаётган коллективлар учун жуда қулай эканлигини айтиш керак. Ишчи иқтисодий таҳлилнинг замонавий усуллари ва хўжалик ечимини ўрганса, қилаётган меҳнати пировард натижаларини ҳам яхши англаб олади, шунга яраша ғайрат билан меҳнат қилади.

Хўш, иқтисодий ўқувнинг ишлаб чиқаришга кўрсатаётган таъсири қандай бўлди? Агар буни рақамлар билан ифодалайдиган бўлсак, цехимиз мисолида шундай дейиш мумкин: цех бўйича эркаклар ва болалар куйлаги ишлаб чиқариш кунига 8 минг донадан ошиб кетди. Аммо бу ҳали чегара эмас. Ишлаб чиқариш кўрсаткичларини бундан ҳам ошириш мумкин. Бунинг учун меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш жойида саноат эстетикасига қатъий риоя этиш, бракка йўл қўймаслик каби қўшимча имкониятлардан фойдаланиш лозим.

Тўғри, биз иқтисодий билимларни тўла-тўкис ўрганяпмиз, деб айтмоқчи эмасман. Бу борада йўл қўйилаётган нуқсонлар ҳам кўп. Сиёсий ва иқтисодий ўқувда дуч келинаётган бир қатор камчилик ва муаммолар корхона партия ташкилотига ҳам маълум.

Хўш, бу камчиликлар нималардан иборат. Очиғини айтганда, пропагандистларимиз ҳам, тингловчилар ҳам ўқув йилининг ярми ўтгунича, махсус ўзбекча қўлланма топа олмай хуноб бўлишди. Китобча шаклида чиқарилган «Хўжалик ҳисоби ва меҳнат коллективининг ўзини ўзи бошқариши» қўлланмаси шу йил март ойидагина қўлимизга келиб тегди. Бундан ташқари кўпгина кўргазмали қуроллар ҳам етишмайди. Бу эса тингловчиларнинг машғулотларга фаол қатнашувига, иқтисодий ўқувга қизиқишининг сўнишига олиб келяпти.

Иқтисодий ўқув системасини қайта қуришнинг асосий бўғини ҳали ҳам бошланғич партия ташкилотлари бўлиб қоляпти. Кейинги пайтларда назаримизда бу масала билан партия юқори органлари жумладан, область партия комитети жиддий шуғулланмаяптилар. Ана шу сабабли шаҳар саноат корхоналарида ва қурилиш ташкилотларида, иқтисодий ўқувни назорат қилиб борадиган бўғинни ҳалигача аниқ билолмаяпмиз. Бу иш билан сиёсий маориф уйлари ҳам шуғулланмай қўйишди.

Менингча, корхонада оммавий ишлаб чиқариш пропагандасининг турли формалари — илғор тажриба мактаблари ва илмий-техника жамиятлари ишини тубдан қайта қурмоқ лозим. Ана шундай қилингандагина ўқув самарадорлигини янада ошириш мумкин.

М. АБДУЛЛАЕВА,
Қарши тикувчилик бирлашмаси 1-цехи бошлиғи.

Дунё воқеалари

СЎНГГИ СОАТДА

ВАШИНГТОН. Қўшма Штатларда миллий байрам — мустақиллик куни нишонланиши муносабати билан бир ҳафталик таътилдан сўнг бугун АҚШ конгресси яна иш бошлайди. Вакиллар палатаси танаффусдан кейинги биринчи мажлисини душанба куни ўтказади, тўла составдаги сенат эса сешанба куни тўпланади. Америка қонун чиқарувчилари ишининг кун тартибига мамлакат учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган бир қанча масалалар киритилган. 1990 молия йилининг федерал бюджети лойиҳасини ва унинг таркибий қисмларини, шу жумладан Америка мудофаа программаси, социал таъминот, табиат ресурсларини муҳофаза қилиш масалаларини муҳокама қилиш, Америка жамияти турмушининг жуда хилма-хил жиҳатларига оид қонун лойиҳаларини қабул этиш ва бошқа кўпгина муаммоларни ҳал қилиш келгуси ҳафталар ва ойларда конгресс аъзолари бажарадиган вазифадир.

ВИТОРИЯ. Испаниянинг мана шу шаҳрида Европанинг ядровий қуролсизланиш ҳаракати саккизинчи конвенти тугади. 1982 йилда Брюсселда тузилган ана шу жамоат ҳаракати ўз сафларида ягона мақсад — ядро қуролидан ва ҳарбий блоклардан халос бўлган Европани барпо этиш учун, Европа хавфсизлигини қуролсизланиш, жараёнини мустаҳкамлаш учун кураш муддаоси билан бирлашган турли сиёсий диний мақсадларга мансуб кишилар бор. Беш қитъанинг 47 мамлакатидан келган мингга яқин вакили анжуман кун тартибига киритилган долзарб масалаларни муҳокама қилди.

БУЭНОС-АЙРЕС. Лотин Америкасидаги беш мамлакатнинг бошлиқлари энг муҳим муаммоларни биргаликда ҳал этиш манфаатларини кўзлаб қитъа давлатларининг иқтисодий бирлашуви жараёнини мустаҳкамлаш зарурлигини айтдилар. Аргентина пойтахтида президент ҳокимиятини топшириш муносабати билан ўтказилган тадбирлар доирасида бўлган учрашув чоғида Аргентина, Бразилия, Парагвай, Перу ва Уругвай раҳбарлари Марказий Америкадаги аҳволни ва халқаро вазиятнинг баъзи масалаларини кўриб чиқдилар. Аргентина президенти Карлос Менем учрашув тамом бўлганидан кейин иқтисодий бирлашув жараёнининг мустаҳкамланиши қитъанинг манфаатларига мос бўлиб тушади, деб таъкидлади.

БРАЗИЛИЯ. Бразилия ҳукумати Амазония чакалакзорларини ҳимоя қилиш режасини белгилади. Территорияни қишлоқ хўжалик экинзорлари ва чорва яйлови учун тозалаш мақсадида бу чакалакзорларнинг анчагина қисми куйдириб ташланмоқда. «Эстаду ди Сан-Паулу» газетасининг хабар қилишича, ҳукумат режасининг тафсилотларини ҳукуматнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги раҳбарлари бугун маълум қиладилар. Амазония ўрмон бойликларини муҳофаза қилишга оид бир қанча тадбирлар армия бўлимлари ва полициянинг фаол ёрдамида амалга оширилади. Олимлар «ер юзининг ўпкаси» деб атаётган Амазониянинг тропик ўрмонларини одамлар хароб қилаётганлиги хусусида кўпдан буён бонг урмоқдалар.

(ТАСС, 10 июль).



Дархонда қад кўтарган янги бинолар.

А. ЯКОВЛЕВ фотоси. (ТАСС).

11 ИЮЛЬ—МОНГОЛИЯДА ХАЛҚ РЕВОЛЮЦИЯСИ ҒАЛАБА ҚОЗОНГАН КУН

ИНҚИЛОБ ДАВОМ ЭТМОҚДА

1921 йилда Монголия Халқ революциясининг ғалабаси монгол халқи учун улкан тарихий аҳамиятга молик туб бурилиш воқеаси бўлди. Музаффар халқ революцияси натижасида мамлакатдан хитой милитаристлари ва оқ гвардиячи тўдалар ҳайдаб чиқарилди, давлат мустақиллиги тикланди, феодалларнинг сиёсий ҳукмронлигига барҳам берилиб, ҳокимият арат оммаси қўлига ўтди.

Революция ғалабасидан сўнг ўша вақтдаги ички ва халқаро вазиятни ҳисобга олган ҳолда мамлакатни ривожлантиришнинг истиқболларини илмий асосда белгилаб олиш зарур эди.

МХРПнинг мамлакатни нокапиталистик тараққиёт йўлидан ривожлантиришга қаратилган бош йўлини тарихан қараб чиқиш зарур. Революция ғалабасидан илгари партиямизнинг дастлабки программавий ҳужжатида нокапиталистик тараққиёт ғоялари ўз аксини топганди. Мазкур ҳужжатда халқ революцияси ғалабасидан сўнг Монголия капитализмдан фарқ қилувчи йўлдан ривожланиши кўрсатилганди. Монгол революционерлари билан тарихий учрашувда В. И. Ленин Монголияда нокапиталистик ривожланишни амалга ошириш мумкинлиги ҳақида аниқ ва равшан маслаҳатларни берганди. Бу маслаҳатлар революцияни янада ривожлантиришнинг бош истиқболларини ишлаб чиқиш учун, шунингдек МХРП ва халқ давлатининг амалий фаолиятини рўёбга чиқариш учун асос бўлди.

1924 йил августида бўлган МХРПнинг III съезди мамлакатни капиталистик ривожланиш йўлига ўтказишга уринган оппортунистик элементларга қатъий зарба берди ва партиянинг мамлакатни капитализмни четлаб социализмга ўтиш бош йўлини расмий тарзда тасдиқлади. Съезд қарорларида ана шу сиёсат моҳияти таърифлаб берилди. Шу тариқа МХРП улуғ Ленин таълимотига амал қилиб, мамлакатнинг капитализмни четлаб социализмга ўтиш бош йўналишини аниқ ва равшан белгилаб олди.

МХР нокапиталистик тараққиёт йўлининг бош мазмуни умрини тугатган феодал тартиботни бартараф этиш, капиталистик ривожланишни инкор этиш, янги экономика ва маданиятни яратиш ва ривожлантириш, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ғалабасини таъминлашдан иборат эди. Бу асосий вазифалар феодализмдан социализмга ўтиш даврида муваффақиятли ҳал этилди. Тахминан 40 йил мобайнида халқимиз МХРП раҳбарлигида феодал ўрта асридан социализм сари шонли йўлни босиб ўтди. Бу монгол халқининг партия ленинча бош йўлини амалга ошириш учун олиб борган қаҳрамонона кураши натижасидир.

Бугунги Монголия кўп тармоқли экономикага эга бўлган социалистик агросаноат давлатидир. Еттинчи беш йиллик мобайнида миллий даромад 37 фоизга ўсди, бунга меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Аҳоли жон бошига реал даромад эса 12 фоизга ўсди. Фан, маданият, санъат ва адабиёт муваффақиятли ривожланмоқда.

Монголия Халқ Республикаси янги ҳаёт қурилишидаги муваффақиятларга Совет Иттифоқи билан яқин ва ҳар томонлама ҳамкорлик туфайли эришди. Монгол халқининг бугунги ишларида инқилоб давом этмоқда. Олий даражада эришилган монгол-совет аҳдномалари ва бошқа ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Кўпмиллатли совет халқининг КПСС XXVII съезди ва Марказий Комитетнинг шундан кейинги Пленумлари тарихий қарорларини амалга оширишдаги муваффақиятлари монгол меҳнаткашларини қувонтирмоқда ва илҳомлантирмоқда. Монголияда Совет Иттифоқидаги қайта қуриш жараёнида рўй бераётган жамики ижобий натижалар диққат билан ўрганилмоқда ва улардан фойдаланилмоқда. Шуниси қувончлики, Монголияда Ўзбекистон ССР Олий ўқув юртларини тугатган кўпдан-кўп мутахассислар самарали ишламоқдалар. Ўзбекистондан олинаётган маҳсулотлар ҳажми эса тобора ошмоқда.

МХРнинг муваффақиятлари салмоқли. Бироқ партия XIX съездида таъкидланганидек, улар хотиржамлик учун асос бўлолмайди. Бундан ташқари фойдаланилмаган имкониятларимиз қўлга киритган муваффақиятларимиздан кўламлироқдир. Шу боис съезд ҳужжатларида халқ хўжалиги ва маданиятнинг ҳар бир тармоғидаги аҳвол танқидий, принципиал таҳлил этилди. Бутун мамлакатда, экономиканинг ҳар бир тармоғида, ҳар бир меҳнат коллективида қизғин ижодий изланиш давом этмоқда. Халқ хўжалик механизмларини янада яхшилаш, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш, барча соҳа ходимларининг ташаббускорлиги ва активлигини кучайтиришга катта эътибор берилаётир. Мамлакатимизда кўпгина ишлар қилинди. Олдинда эса янада қамровли вазифалар турибди. Монголия халқи ўз революция байрамини ана шундай кўтаринки меҳнат кайфиятида кутиб олаётир.

Ц. БУЯНТОГТОХ,
МХРнинг Тошкентдаги бош консули.

АҲОЛИНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯЛАШ МАДАНИЯТИ ОШИРИЛСИН

Республика касаба союзлари кўнгилли физкультура-спорт жамиятининг 8 июль куни Тошкентда бўлиб ўтган пленуми соғломлаштириш ишларини янада оммалаштиришга, такомиллаштиришга бағишланди.

Пленум иштирокчилари тажриба алмашдилар, спорт базасини мустаҳкамлаш, мутахассислар тайёрлаш, аҳолига хизмат кўрсатишни кенгайтириш йўлларини муҳокама қилдилар. Улар асосий диққат-эътиборни ечилмаган муаммоларга қаратдилар. Кўпгина корхоналарда ишлаб чиқариш жисмоний тарбия маданияти яхши йўлга қўйилмаганлиги, аҳоли истиқомат қиладиган жойларда соғломлаштириш ишларига кам эътибор берилаётганлиги, стадионлар, спорт майдончалари, заллар кўпинча бўш туриб қолаётганлиги таъкидланди.

Пленум комиссиялар таъсис этди, улар зиммасига меҳнаткашлар, студентлар ва ўқувчи ёшлар ўртасида физкультура-соғломлаштириш ишларини яхшилаш конкрет программасини амалга оширишда, спорт резервини тайёрлашда, моддий-техника базасини ривожлантиришда, ташкилотчилик фаолиятини такомиллаштиришда область, район ва қуйи ташкилотларга ёрдам бериш юклатилди.

(ЎзТАГ).

• *Олий ўқув юртларига қабул олдидан*

АСОСИЙ МЕЗОН — БИЛИМ

✦ Республикамиз олий ўқув юртларида кириш имтиҳонлари яқинлашмоқда. Куни кеча Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигида олий ўқув юртлари ректорлари, партия ташкилотлари секретарлари ва қабул комиссияси масъул котибларининг 1989 йилги кириш имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича йиғини бўлиб ўтди. Махсус мухбиримиз М. Пирматов ана шу долзарб мавзу юзасидан республика халқ таълими министри М. ЗОЙДОВ билан суҳбатлашди.

— Мамлакатимиз олий ўқув юртларига қабул қилишни оқилона ташкил этиш ва унинг қоидаларига қатъий риоя қилиш ҳар биримизнинг виждоний бурчимиздир. Шундагина СССР Халқ таълими давлат комитети томонидан тасдиқланган қабул қоидалари, бошқа ҳужжатлар, олий ўқув юртларига киришнинг ягона тартибига амал қилган бўламиз.

Бу йилги қабул қоидаларига бир қатор янгиликлар киритилганлигини айтиб ўтиш кифоя. Жумладан, олий ўқув юртлари ректорларига ёшларга муддатидан олдин касбга йўналтирилган 1 ва 2 имтиҳонни ўтказишга рухсат берилди, Қорақалпоғистон АССРда кўчма қабул комиссияси ташкил қилинди. Бутуниттифоқ олимпиадаси ғолибларини кириш имтиҳонларисиз қабул қилишга рухсат этилди. Яна бир янгилик шундан иборатки, она тили ва адабиёт бўйича имтиҳонлар бу абитуриентнинг хоҳишига кўра ўзбек, рус, тожик, қозоқ, туркман тилларидан бирида ўтказилиши мумкин. Эндиликда абитуриентдан характеристика ҳам талаб қилинмайдиган бўлди. Республика ўқув-методик марказининг таклифига кўра ўқувчиларнинг республика олимпиадаси ғолибларига қулайликлар бериш кўриб чиқилмоқда.

Қорақалпоғистон Автоном республикасини олий маълумотли кадрлар билан таъминлаш ва бу регионнинг талабини қондиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Масалан, Нукус Давлат университети базасида автоном республика туб аҳолиси орасидан тайёргарлиги етук ёшларни танлаш мақсадида кўчма қабул комиссияси ташкил этилди. Бу ерда кириш имтиҳонлари абитуриентнинг ҳоҳишига кўра рус, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ўтказилади.

Яқинда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон иттифоқчи республикалар халқ таълими министрликлари билан ўқитувчи кадрлар тайёрлаш бўйича келишиб олдик. Бундан буён педагогик кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилиши турган гап. Шу мақсадда Тошкент Давлат университети, Тошкент Давлат рус тили ва адабиёти институти, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика ва Фарғона Давлат педагогика институтларида регион йўналиши бўйича янги мутахассисликлар очилди.

Шу йилдан бошлаб ўқув-илмий-ишлаб чиқариш комплекслари ташкил этилиши билан кадрлар тайёрлашнинг янги усули жорий этилди. Бундай комплекслар Сирдарё Давлат педагогика институти, Тошкент политехника институти «Алгоритм» ва «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаларида, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Электроника институти базаси ишлаб турибди.

Шу ўринда ўтган йилги қабулнинг таҳлилига бироз тўхталиб ўтмоқчиман. Тўғрисини айтганда, айрим олий ўқув юртлари ўтган йили қабул қилиш планига риоя этмадилар. Пландан ташқари студентлар қабул қилиш ҳоллари рўй берди. Ўтган йили университетлар, педагогика ва иқтисод олий ўқув юртларида конкурслар юқори бўлди. Андижон давлат педагогика институтида 100 ўринга 565, Бухоро педагогика институтида 551, Наманган педагогика институтида 452, Низомий номли педагогика институтида 419, Нукус давлат университетида 521, Тошкент давлат университетида 488, Андижон давлат тиллар педагогика институтида 458, Тошкент халқ хўжалиги институтида 424, Тошкент автомобиль ва йўллар институтида 420 ариза тўғри келди.

Шу билан бирга айрим мутахассислар бўйича аризалар етарли бўлмаганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Чунончи Тошкент политехника институтининг «маркшейдерлик иши» мутахассислиги учун 50 ўринга 50 ариза тушди, «рангли металлар металлургияси» учун эса 50 ўринга бор-йўғи 49 абитуриент хоҳлади. «Электроизоляция, кабель ва конденсатор техникаси» мутахассислиги учун 25 ўринга 27 ариза берилди.

Олий ўқув юртларида ўтказилган кириш имтиҳонлари якунидан маълум бўлишича, мактаблардаги битирув имтиҳонлари билан бирга институтлардаги кириш имтиҳонлари орасида анча-мунча фарқ борлигини кўрсатмоқда. Айрим институтларда абитуриентлар биринчи турдаёқ «йиқилиб» қолаётир.

Ўқув юртлари қабул комиссиясининг иши янгидан қабул қилинган студентларнинг ўзлаштиришига, уларнинг билим савиясига, шунингдек қабул қоидаларига тўла риоя қилишга, рўйхатлар, буйруқлар ва бошқаларнинг жиҳозланишига ҳам боғлиқ. Афсуски, бир қатор олий ўқув юртлари қабул комиссиялари бунга етарли эътибор бермадилар. Оқибатда билим доираси тор студентларнинг олий ўқув даргоҳларига кириб қолишига йўл қўйилди. Жиззах давлат педагогика институти қабул комиссияси фаолиятида мана шундай нуқсонлар юз берди. Хоразм давлат педагогика институтида эса кириш имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказишда қўпол хатоларга йўл қўйилди.

Республика олий ўқув юртларида ўқитувчилар тайёрлашда ҳам нуқсонлар юз бераётир. Жумладан, студентларнинг математика ва физика бўйича билим савиялари етарли эмас. Нукус давлат университети филология факультетларида олинган ёзма иш натижаларидан маълум бўлишича, рус тилидан ёзма ишнинг 65 фоизи қониқарсиз баҳоланган. Шу университет биринчи курс 119 студентининг кириш имтиҳонларида олинган баҳоси тасдиқланмади. Наманган давлат педагогика институти 16 битирувчисидан 10 нафари ёзма ишда қониқарсиз баҳо олган.

Жиззах давлат педагогика институтининг математика факультети студентларининг билим доираси синаб кўрилди. Уларга кириш имтиҳонлари программасига мувофиқ топшириқлар берилди. Натижа 63 студентдан 43 нафарининг билими паст эканлигини кўрсатди.

Студентларнинг геометрия бўйича масалаларни еча олмаётганлиги афсусланарлидир. Математикадан билим маданиятлари ғоят паст. Улар ана шу фанлар қоидаларини амалда қўллашни билмайдилар. Қарши давлат педагогика институтининг биринчи курс студентларига холис баҳо қўйилмаганлиги маълум бўлди. Жумладан биринчи курснинг 104 студентидан деярли 92 фоизида мактабда олган баҳолари тасдиқланмади.

Биз бу йилги қабулга пухта тайёргарлик кўрдик. Шу кунгача ректорлар ва ўқув-тарбиявий ишлар бўйича проректорлар билан семинар-кенгаш ўтказилди. Олий ўқув юртлари қабул комиссиялари масъул котиблари билан ҳам суҳбатлар бўлиб ўтди. Бу — яхши самара бериши керак.

Маълумки, ўқишга киришнинг асосий мезони — абитуриентнинг билимидир. Шу муносабат билан конкурссиз қабул қилинувчи айрим имтиёзлар бекор қилинди. Афғонистонда байналминаллик бурчини адо этган йигитлар, етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларгагина имтиёзлар берилади, холос. Бу эса студентларни танлаш масъулиятини оширади, сифатини яхшилайди.

Олдимизда муҳим вазифа турибди. Бу туб миллат аҳоли ёшларини мамлакатнинг марказий шаҳарлари ва иттифоқчи республикалар олий ўқув юртларига йўллашдан иборат. Бу йил ана шундай олий ўқув даргоҳларида техника мутахассисликлари бўйича 171, педагогика олий ўқув юртларида 1390, медицина институтларида эса 1575 нафар йигит-қиз таҳсил кўради.

Ёшларимиз бугунги кунда эртанги кун ташвишлари билан яшамоқдалар. Бу борада уларга омад тилаймиз.

• ГАЗЕТХОН БИЛАН СУҲБАТ •

ИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ



- Доноликнинг даҳоси—халқ
- Ошкоралик—инсоний туйғулар синови
- Халқ педагогикасига нега амал қилмай қўйдик?
- Жамоатчилик фикри—ўткир қурол
- Ўнта фарзандни вояга етказган она... наҳотки «педагог» бўлмаса?

Мамлакатимизда бошланган тарихий қайта қуриш жараёни муҳим синов бўлмоқда. Ошкоралик, социалистик демократия дан кенг фойдаланиш учун берилган катта имкониятлар онгимизда, эътиқодимизда етмиш йилдан ортиқ вақт ичида шаклланган фикр ва тушунчаларнинг темир қалқонини жуда секинлик билан бўлса-да, парчаламоқда. Кўпчилик совет кишилари 20-йилларнинг ўрталаридан бошлабоқ тобора кучайиб борган субъективизм, волюнтаризм ва шахсга сиғиниш даврларининг ғоявий-маънавий нормалари ва ақидалари исканжасида янгиликни ҳис қилишни, мустақил фикр юритишнинг нималигини деярли унутаёзган эдилар.

Омманинг онгига, раҳбарлик усулларига, ҳаётнинг ҳамма томонларига кенг томир отиб кетган бу ижтимоий иллат ҳозир ҳам ниҳоятда секинлик билан бартараф этилмоқда. Мен сўнгги йилларда бўлаётган воқеаларни, айниқса ҚССР халқ депутатлари I съездида бўлиб ўтган мунозараларни кўриб, эшитиб демократия, ошкоралиқни тўла маънода тушунишга, ундан фойдаланишга энг оддий ишчи ва колхозчидан тортиб энг йирик раҳбарларгача, кўпчиликнинг тўла тайёр эмаслигини сездим. Демократия ва ошкоралик имкониятларидан фойдаланмоқ учун оддий истакдан ташқари юксак сиёсий маданият, маънавий поклик, ҳалол виждон ҳам керак.

Кундалик ҳаёт баъзилар демократия ва ошкораликни суиистеъмол қилсалар, баъзилар улардан фойдаланишда кўрқоқлик ва эҳтиёткорлик қилаётганликларини кўрсатмоқда. Биринчи ҳолда ҳаётнинг ҳамма томонларига қора кўзойнак билан қараш, асоссиз ваъдабозлик, масъулиятсизлик аломатлари кўринса, иккинчи ҳолда эса бир марта оғзи куйган одам сувни ҳам пуфлаб ичади, деган доно халқ мақолининг ҳаётда аниқ намоён бўлаётганини кўрмоқдамиз.

Тўғрисини айтганда, ўтган турғунлик даври иллатларини бешафқат, баъзан ҳаддан ошириб танқид қилиш борасида муайян тажриба тўпладик. Лекин қайта қуриш даврининг моҳиятини, унинг имкониятларини ва афзалликларини, янги режаларни амалга оширишнинг форма ва методларини ҳамма жойда ҳам тўла англаб етганимизча йўқ. Янги вазифаларни бажаришда ўтмишда қўлга киритилган тажрибалардан қандай фойдаланиш билан боғлиқ бўлган айрим масалалар ҳам мавҳум бўлиб қолмоқда. Қайта қуриш вазифаларини бажариш учун фақат келажаккагина эмас, балки ўтмишга ҳам очиқ кўз, ҳалол виждон билан қарамоқ даркор. Албатта, турли фикр ва мулоҳазаларнинг, тарих сабоқларининг салбий ва ижобий эканини аниқлаш айрим раҳбарларнинг монополияси эмас. Марксча-ленинча диалектика биз ижобий ёки салбий деб баҳолаган фикрларга, ҳодисаларга нисбатан атрофлича илмий муносабатда бўлишни тақозо этади. Ғояларнинг, тарихий тажрибаларнинг ижобий ёки салбий эканини асослаб берадиган олий ҳакам-омманинг амалий тажрибасидир. Ҳақиқатни ўз ўрнига қўймоқ ва англамоқ учун бизга маълум бўлган фикр ва ғояларни кўкларга кўтариб мақтаб юборишдан ташқари, унга тескари ёки бир оз бошқачароқ шаклда олдинга сурилган фикрлар ва қарашларни ҳам пухта ўйлаб кўриш керак. Бу — мураккаб шароитларда тўғри йўл тута билишнинг асосий шарти.

Шахсга сиғиниш ва турғунлик даврларининг энг асосий иллатларидан бири мансабдор шахсларнинг, ҳар қандай фикрларни, улар аҳамиятига ва мазмун жиҳатдан қандай бўлишидан қатъи назар, кўр-кўрона, ҳеч қандай мулоҳазасиз, ўйламай-нетмай ҳаётга татбиқ этишга интилишлари эди. Тўғри, соғлом фикр юритган кишиларга нисбатан муросасиз кураш олиб борилди. Афсуски, бу касалликдан қайта қуриш даврида ҳам тўла қутула олмаяпмиз. Орол фожиаси, пахта монокультураси, юз минглаб гектар ерларнинг ботқоқликка айланиши, туз босиб кетиши мавжуд меҳнат резервларидан оқилона фойдаланмаслик, ўтмиш маданий меросига нисбатан бирёқлама ёндашиш сингари ҳодисаларга келсак, булар ҳаммаси бирор масалани ҳал этишда фикрлар ва нуқтаи назарларнинг баҳси бўлмаганидан келиб чиққанини кўрамиз.

Ҳаётдаги ҳар бир янгилик осмондан тушмайди, балки кундалик тажриба асосида тўпланган хулосалардир. Уларнинг кўпи иқтисодий-ижтимоий тараққиёт ва маънавий камолотнинг янги йўлларини излашга ёрдам беради. Ҳар қандай янгилик эскилikни бутунлай, кўр-кўрона инкор этиш эмас. Агар материалистик диалектиканинг қонунларига назар ташласак, бу масала ўз-ўзидан аён бўлади. Шу сабабли илмий-ғоявий етук бўлмаган кишиларгина тараққиётнинг турли босқичларини бир-биридан ажратишга уринишлари, жамият тараққиётининг қонуни бўлган ўтмиш билан келажак ўртасидаги ворисийликни тушунмасликлари мумкин. Ана шундай қироатхон кишилар жамият тараққиёти учун кераксизгина эмас, балки зарарли бўлган ишларни бошлаб берадилар. Улар сиёсий ва ғоявий жиҳатдан калтабин раҳбарларнинг ишончига кириб олишса, кўзлаган мақсадларининг ижтимоий зарарли оқибати яна ҳам кўпроқ бўлади. Буни ҳаммамиз биламиз. Афсуски, ана шундай хушомадгўй, калтабин, ғаразли кишилар жамиятимизда ҳануз бор. Шундай ҳолатни аниқ сезиб туриб, инсоний-миллий қадриятлар ҳақида, уларга кўр-кўрона эмас, балки оқилона муносабатда бўлиш тўғрисида ўз мулоҳазаларимни билдириб ўтмоқчиман.

Шуни айтиш керакки, инсоний қадриятлар миллий қадриятлардан ташкил топади. Мамлакатимизда яшовчи ҳар бир миллат ва элатнинг ўзига яраша ажойиб моддий ва маънавий қадриятлари бор. Уларни оқилона ва холисона ўрганиш қайта қуриш давридаги маънавий камолотнинг асосий шартларидан биридир. Инсоний ва миллий қадриятларга ёндашишда қора кўзойнакни четга олиб қўйиш керак. Биздан олдингилар ахлоқий ва маънавий ҳаётга муносабатда адашиб келганлар, фақат бизгина бу масалаларда тўғри йўл тута билдик, деган хато фикрдан бутунлай воз кечиш лозим.

Биз ақл-заковатли авлодларнинг меросхўри бўлганимиз учун ҳам маънавий камолотнинг янги босқичига чиқишга имкон яратдик. Олдинги авлодлар яратган зинапоялардан аста-секин юқори кўтарилиб, шу даражага етдик. Янги авлодлар ҳам биз яратган маънавий бойликларнинг ҳаммасини эмас, балки ақл, фикр билан ижобий томонларини ажратиб олиб, уларга таянгандагина маънавий камолотни янги босқичига кўтара олади.

Ўзбек халқининг, мамлакатимизда яшовчи бошқа халқларнинг минг йиллар мобайнида шаклланган миллий қадриятларидан тўғри фойдалана билдикми? Албатта, халқимизга, умуман совет халқларига хос бўлган кўплаб миллий қадриятлардан тўғри фойдаландик, улар янги маънавий ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланиб кетди. Лекин Ўрта Осиё халқларининг, жумладан, ўзбек халқининг шундай маънавий қадриятлари борки, биз уларга ҳануз етарли эътибор бера олганимиз йўқ, улар аста-секин йўқолиб кетмоқда. Мен бугунги ёшларимизнинг билими, ақл-идрокидан қувонаман. Маданият фақат яхши кийиниш, билим олиш, газета ва журналлар ўқиш эмас. Маънавий маданиятнинг яна бир асосий, ҳеч қачон эътибордан четда қолдириш мумкин бўлмаган жиҳати бор. У ҳам бўлса, инсоний муносабатлар маданиятидир, катта билан кичик, ота билан она, опа-ука, ака-сингиллар, қўни-қўшнилар ўртасидаги муносабатлар маданиятидир. Бу — баъзан андиша деб ҳам аталадиган, жамоатчилик олдида, дўст-биродарлар олдида ўзини тута билиш маданияти, камтарлик, бир-бирини қадрлаш, ҳурмат қилиш хислатларидир. Ахир, халқимиз камтарга камол, манманга завол, деб бекорга айтмаган-ку.

Айрим анъаналаримиз, одатларимиз кўпинча кекса авлод томонидан эъзозлаб келинмоқда. Улар баъзи ажойиб инсоний одоб қоидаларидан ёшлар баҳраманд бўлмаганидан афсусланиб ҳам гапирадилар. Бу ерда ҳақиқат бор. Агар маълум ахлоқий, маданий анъаналар бир-икки авлоднинг эътиборидан четда қолса, маънавий бойликлар бисотидан бутунлай тушиб қолиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бунга асло йўл қўймаслик керак.

Аста-секин унутилиб бораётган яхши одатларимиздан бири — кексаларга ҳурматдир. Баъзан кексаларни ҳурмат қилишни диний эътиқод ёки динга сиғиниш деб баҳолаб келинди. Кексалар ўртасида диний эътиқод бошқаларга нисбатан кўпроқ эканини инкор этиб бўлмайди. Лекин кексаларни ота-оналаримиз, акаларимиз ва опаларимиз бўлгани учун, улар ҳаётнинг аччиқ-чучугини биздан кўра кўпроқ тотиб тажриба орттирганликлари учун ҳурмат қиламиз. Қари билганини пари билмайди, дейди халқимиз .Кексаларни ҳурмат қилиш улар босиб ўтган мураккаб ва шарафли йўлни, орттирган билим ва тажрибасини ҳурматлаш уларнинг тажрибасини ўрганишга интилишдир. Бу оддий одобгина эмас, балки юксак маънавий маданият ҳамдир. Агар кексалар ҳурмат қилинмаса, уларнинг билим ва тажрибаларини ўрганишга интилиш бўлмаса — бу жамият тараққиётининг асосий омилларидан бўлган ворисийлик, меросхўрликка дарз кетди, прогрессив тараққиёт имкониятларига путур етказилди, деган маънони билдиради.Ҳурмат қилган кишигина ҳурмат кўради. Бизнинг ноўрин, одобсиз хатти-ҳаракатларимиздан ўрнак олган ёшлар бизга қандай муносабатда бўлишини ўйлаб кўрайлик.

Одам психологияси шундайки, у кексайганда ош-нон, кийим эмас, балки эътибор талаб бўлиб қолади. Улар кўп йиллар ҳаёт гирдобида қайнаб кексайганларида жамият ва кишилар эътиборидан четга чиқиб қолгандай бўладилар. Фаол ишлаган ҳалол инсон учун бу катта жазодек бўлиб кўринади. Бундай шароитда икки оғиз ширин сўз, кичик эътибор катта зиёфатдан ҳам юксакроқ. Инсон руҳиятининг кексайганда содир бўладиган бундай ҳолатини кишилар қадим-қадим замонларданоқ билишгача, кексаларни ҳурмат қилишни, эъзозлашни инсоний виждон ва маданиятнинг олий формаларидан бири деб ҳисоблашган. Кексаларни ҳурмат қилиш, сўзига, насиҳатига қулоқ солиш фақат ва фақат улар айтган йўлдан борамиз, деган маънони билдирмайди. Биз бошлайдиган йўл олдинги авлодлар босиб ўтган йўлдан кенгроқ ва сермазмунроқ бўлади. Бу — тараққиётнинг оддий тақрорланиши эмас, балки юксакроқ босқичдаги янгича тақрорланишидир. Кексаларнинг фикр ва насиҳатлари билан ўзимиз танлаган тараққиёт йўлини тўпланган тажриба асосида яна ҳам тўғрироқ, ойдинроқ аниқлаб олган бўламиз.

Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Бундан 25 йил муқаддам москвалик бир олим билан кун иссиғида Андижон областидаги қишлоқлардан биридаги чойхонада чой ичиб ўтирардик. Ёнимизда бир неча кекса оқсоқоллар тўпланиб ниманидир баҳс қилишар эди. Шунда бир отлиқ йигит чойхонада ўтирган кексаларга яқинлашгач, отдан тушиб, уни етаклаб шиёда юрди ва уларга салом берди. Кексалар гап билан банд бўлганликлари сабабли фақат бир оқсоқол саломга алик олди. Йигит 10—15 қадам ўтгач, яна отига миниб йўлига равона бўлди. Москвалик меҳмон бу ҳолатни кузатиб турган экан. Бунинг сабабини сўради. Мен унга деҳқонча қилиб шундай тушунтирдим: йигит кексаларни эҳтимол танимас ҳам, лекин уларга ҳурматини билдириш учун отдан тушиб салом берди. Уларнинг ёнидан от устида туриб саломлашиб ўтиб кетишни ўзига эп кўрмади... Шунда у ҳаяжонланиб, бу жуда юксак маданият, уни эъзозлаш керак, ахир, баъзан жойларда ёшлар кексаларни ҳурмат қилмайдигина эмас, ҳатто ўз ота-онаси кексайганида уларни хўрлашади, деди.

Бу ҳақ гап эди. Маънавий тубанликка юз тутишнинг мана шу жиҳати тўғрисида аллақачон ўйлаб кўриш керак эди. Биз қаровсиз қолган кексалар учун қурилган пансионатлар, касалхоналар тўғрисида кўп ёздик. Лекин ота ёки онани қартайган чоғида фарзандлар, набиралар меҳридан жудо қилиб пансионатларга олиб бориб қўйиш ахлоқсизликнинг, маънавий тубанликнинг аломати экани ҳақида кам сўзладик. Ахир, бундай одат ўзбек оилаларида йўқ эди-ку? Ота-онанинг дуосини оламан, раҳматини эшитаман деб уларни соғ вақтида ҳам, касал бўлганида бошига кўтариб юрадиган азаматлар нега камайиб кетмоқда? Ёшлар кексаларга нисбатан ҳурматини йўқотган жамиятнинг ҳеч қандай истиқболи бўлмайди. Ота-онага қўл кўтариш, ҳақорат қилиш маънавий тубанликнинг, чўққиси ҳисобланиб, бундай қилганлар элнинг эътиборидан четда қолар эди. Нега ҳозир шундай эмас? Нега ота-онага, кексаларга нисбатан ҳурматсизлик, қўполлик қилаётганларга бефарқ қарайдиган бўлиб қолдик? Ўзбекнинг миллий қадриятига тегишли бўлган бундай одатларга путур етмадимикан?

Июнь ойи бошида Фарғонадаги мудҳиш воқеаларнинг гувоҳи бўлган бир киши менга шудай мисолни сўзлаб берди: тўполончилар, бебошлик қилганларнинг асосий қисми ичвойин, қўни-қўшнилар билан учрашишга, улар билан андак суҳбатлашишга ошиқамиз. Назарий жиҳатдан пухта ўйланмаган бу оддий, беминнат коллективизм кишиларимизнинг қонига ниҳоятда сингиб кетгани, кундалик ҳаётий эҳтиёжга айланиб қолганлиги учун турмуш тарзимизда ўз ўрнини йўқотмай келмоқда. Буни ҳам ўтмишнинг сарқити деб эмас, балки одамлар ўртасидаги чин инсоний муносабатларни мустаҳкамлашдаги муҳим омил, деб қарамоқ керак.

Маҳаллалардаги, қишлоқлардаги тўй-томоша ва азаларда одамларнинг, қўни-қўшниларнинг, узоқ-яқинларнинг бир-бирига муносабатини бир ўйлаб кўрайлик. Бу муносабатлар замирида қандай юксак маданият, инсоний сахийлик ва олижаноблик ётади. Бир қўшни тўй қилса қўни-қўшнилар ҳаммаси бел боғлаб ёрдамга отланишади, дастурхон тузаб стол безатишга, меҳмон кутишга ёрдамлашишади. Чарчаб ишдан келган ёшлар ҳам уйқусираб саҳарлаб туриб ош ташишга, чой дамлашга, меҳмон кутишга ошиқишади. Ахир, буларни ҳеч ким мажбур этмайди-ку! Қўни-қўшнилар, яқин биродарлар кўлини кўксига қўйиб меҳмон кутиб туришининг ўзи ҳам олижаноб фазилат-ку! Инсоний ҳамкорлик ва ҳамдардлик тўйдагина эмас, балки азада ҳам жўяли. Азали уйга ҳамма кўнгил сўраб киради, оқсоқоллар маслаҳати билан мотамдорларга имкони борича ёрдамлашишга ошиқади. Хуллас, бошига мусибат тушган оила ўз дарди билан овора бўлса, бошқа ҳамма ишларни бажаришни қўни-қўшнилар, яқинлар ўз зиммасига олади. Бу муносабатларда бошқа миллатларга ҳам ибрат бўладиган томонлар борки, уларга соғлом ақл ва бегаразлик билан ёндашмоқ керак. Яхши қўни-қўшничилик, маҳалла-қўйчилик ҳаётимизнинг шундай томоники, уни қадрламоқ, сақламоқ, авлодлардан авлодларга етказмоқ лозим.

Бундан 10—15 йиллар муқаддам кўчада марҳумни тобутга солиб олиб кетаётганларида машинадлар тўхтар, бегона кишилар ҳам тобутни кўтариб боришга ошиқар эди. Бундай ҳол камдан-кам бўлса-да, ҳозир ҳам учраб туради. Буни кўпинча диний урф-одат деб атайдилар. Диний урф-одатлар ҳам ҳаётдан олинганини, уларда ҳам маълум бир маъно ва мазмун борлигини инкор этиб бўлмайди. Бу ерда гап марҳумга нисбатан охирги ҳурматни бажо келтиришда. Бу ишга ундовчи куч диний эътиқодгина эмас, балки олижаноб инсоний фазилатдир. Бундай муносабатларнинг ижтимоий, руҳий ва ахлоқий илдизларини ҳам чуқур ўрганмасак ёмон бўлмас эди. Ҳар қандай коллективизмнинг мустаҳкамланишида тарихан шаклланган ва кўп синовлардан ўтган оддий, лекин мазмунан чуқур, соғлом, оқилона муносабатлар катта роль ўйнашини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Афсуски, бундай инсоний саховат ва маданиятни тушунмайдиган, уни қоралайдиган кишилар орамизда ҳозир ҳам топилиб туради.

Ота-оналар, фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ҳам катта ижтимоий аҳамиятга эга. Бу борада ҳам жиддий ўйлаш, мулоҳаза қилиш керак бўлган жиҳатлар кўплиги ҳозирги кунда ҳар қачонгидан ҳам аҳамиятли бўлиб қолмоқда. Шу вақтга қадар айрим мутафаккирларнинг педагогик қарашларини ўрганиб, тарғиб этиб келдик. Лекин таг-томири билан минглаб йилларга бориб тақаладиган халқ педагогикасининг, таълим-тарбиянинг китобларда битилмаган форма ва методлари бутунлай эътиборимиздан четда қолиб кетди. Доноликнинг даҳоси халқдир, доишмандлар шу халқнинг фарзандларидир.

Фарзандлар билан муносабатимизда, кундалик ҳаётимизнинг ўзида бўлган тарбиявий омилларда шундай томонлар борки, биз баъзан уларга ўрганиб кетиб деярли аҳамият ҳам бермаймиз. Бир мисол. Бундан 11 йил муқаддам аэропортда Москвадан келган таниш бир олимни кутиб олдим. Унга меҳмонхонадан жой ҳозирлаб қўйилган эди. Лекин меҳмон самолётдан тушибоқ сенинг уйингга бораман, меҳмон бўламан, болаларингга совға олиб келдим, ўзим қўлим билан тошбораман, деб қолди. Уйга кўнғироқ қилиб, дастурхон тузаб қўйишни илтимос қилдим. Меҳмон уйга кирибоқ, болаларинг қани, менга кўрсат, деб туриб олди. Қизим ошхонада идиш-товоқ ювиш билан овора. Икки ўғлим олманинг синган шохини бутташмоқда экан. Учинчи ўғлим эса кўчада, ўртоқлари билан гаплашиб турарди. Шунда меҳмон, келишимни билиб фарзандларингни иш билан банд қилиб қўйдингми, деб сўради. Мен унга йўқ, улар ўз ишларини ўзлари топиб қилаверадилар, дедим. Менинг ҳам бир ўғлим ва бир набирам бор, деди у. Шу набирамнинг тарбияси билан ота-онаси, мен ва хотиним, ўғлимнинг қайнотаси ва қайнонаси шуғулланишади. Набирам шунчалик инжиқки, унга бирорта қилган ишимиз ёқмайди. Мен унга тарбияни шу йўсинда олиб борсаларинг, набирангизни текинтомоқ қилиб, елкангизга миндириб олаверасизлар, дедим. Меҳмон менга ҳеч қандай эътироз билдира олмади. Мен яна, бир яқинимнинг ўнта фарзанди бор, у оилада онаси уй иши билан банд бўлганлиги туфайли болалар бир-бирига қарайди, кўмаклашади, дедим.

Ҳа, фарзанд тарбияси ота-она учунгина эмас, балки бутун жамиятимиз учун ҳам катта аҳамиятга эга. Ота-она ҳеч қачон ўз фарзандига ёмонлик раво кўрмайди, уни асосан яхши йўлга бошлайди, ҳаётда чиниқтиришга, яхшилар билан яқинлаштиришга ҳаракат қилади. Бу йўлда баъзан ширин сўз ҳам, баъзан қаттиққўллик ҳам талаб қилинади. Фарзандларнинг жисмоний, руҳий, ахлоқий камолоти биологик жиҳатдан ҳам мураккаб вазиятда кечади. Бола туғилганидан ўн ёшларига қадар ниҳоятда ширин, меҳрталаб, итоаткор бўлади. Лекин 14—16 ёшларга бориб, жисмоний камолот заминида унда ўзига бино қўйиш, ҳаётдаги барча нарсага мустақил қарашга интилиш бошланади. Лекин ҳаёт тажрибаси жисмоний камолотдан ортда қолиб кетгани учун бу даврда фарзандларга ота билан онанинг кундалик эътибори ва таъсири катта аҳамиятга эга бўлади. Ана шундай даврда бола тарбия таъсиридан четда қолиб кетса, уни тўғри йўлга солиш ҳам анча мушкул бўлиб қолади.

Шундай ҳоллар бўладики, шу ёшдаги болаларга баъзан ота-онанинг, қўни-қўшнилар ва катталарнинг насиҳатлари ҳам малол кела бошлайди. Ана шу балоғатга ўтиш даврида фарзандларнинг тарбиясига катта эътибор бериш, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини назорат қилиб туриш ўзбек оилаларидаги тарбиянинг асосий томонларидан бири бўлиб қолган. Баъзан оилалардаги гапга қулоқ солмайдиган болаларга нисбатан қўлланиладиган қаттиққўлликни педагогика қоидаларига тўғри келмайди, деб қоралайдилар. Фикримча, бу масала устида жиддий ўйлаб кўриш керак. Ота-она ўз фарзандини яхши йўлдан боришини чин қалбдан истар экан, унга нисбатан зарур тарбиявий чораларни кўришга ҳам ҳақлидир. Болани ота-онадан кўрқишга эмас, балки уларга ишонишга ўргатмоқ керак. Диалектика нуқтаи-назаридан қараганимизда, фарзанд тарбиясида меҳрибонлик, яхши фазилатларни шакллантиришга интилиш талабчанлик, баъзан асосли қаттиққўллик билан биргаликда олиб борилмоғи керак. Фарзандлар 20 ёшдан ошганидан кейин ҳаётнинг оқу қорасини таниб олади, жисмоний ва маънавий камолотида барқарорлик даври бошланади.

Ёшларнинг камолотида мактаб ва ота-онанинг бераётган тарбиясидан ташқари атроф-муҳит, яқин ошна-оғайниларнинг таъсири ҳам катта. Шу сабабли қишлоқ болалари ёшликлариданоқ меҳнатга ўрганиб кетадилар. Маҳаллаларда ҳам ёшлар тарбиясига жамоатчилик фикри, ошна-оғайнилар, қўни-қўшниларнинг таъсири катта бўлади. Бирор қўшниникига ҳашарга чиқиш, бирор кор-ҳолда уларга ёрдамлашишга интилиш ёшларни инсоний олижаноблikka олиб келувчи катта тарбия мактабидир. Кўпинча шундай ҳоллар рўй берадики, ота-она давлат иши билан банд бўлгани учун болалар мактабдан кейин бўш қоладилар. Квартираларни ремонт қилиш, ҳатто ҳовли супуриш ҳам давлат идораларининг иши бўлгани, ёшлар куч ва ғайратидан тўғри фойдаланиш масаласи ҳал этилмагани учун баъзан улар кўчаларда санғиб юриб, ёмонларнинг таъсирига берилиб, тўғри йўлдан оғиб кетадилар ҳам. Афсуски, ҳозир биз ёшлар тарбиясида тарихий анъанамиз бўлган жамоатчилик фикрининг ролига етарли эътибор бермай келмоқдамиз. Агар биз халқ педагогикаси соҳасидаги баъзи масалаларни чуқур ўрганиб ҳаётга татбиқ этсак, таълим-тарбия соҳасидаги баъзи нуқсонларга хотима бериш иши осонлашган бўлар эди. Бунинг учун китоб ўқишгина эмас, кундалик ҳаётни кузатиш, ота-боболаримиз сабоқларидан ўрнак олиш керак. Ўн фарзандни туғиб, яхшилаб тарбиялаган она гарчанд олий педагогик маълумоти бўлмаса ҳам, тўғри тарбия борасида бошқаларга намуна бўладиган фикрларни айта олади.

Фарзандларнинг тақдирида ота-оналар ўй найдиган ролнинг яна бошқа томонлари бор. Мисол тариқасида келин олиш, қиз чиқариш анъаналарини кўришингиз мумкин. Албатта ҳозирги давр талабларига кўра бир-бирига умр кўрадиган икки ёш бир-бири билан танишиши, феъли-атворини яхши билиб олиши, ҳаёт муаммолари ҳақида оз бўлса-да фикр алмашиши шарт. Бусиз икки ёшнинг бир ёқадан бош чиқариб бир умр яшашида маълум қийинчиликлар, англашилмовчиликлар келиб чиқади. Лекин иккн ёшни бир-бири билан боғлаш, тақдирини белгилашда ота-онанинг қатторик этишини инкор этиб бўладими? Менимча, бу масалага ҳам асло бирёқлама қараб бўлмайди. Ҳар ҳолда ёшлар бир-бири билан танишиши, севиши, ҳурмат қилиши шарт. Лекин улар кўпинча турмуш қуриш олдидан ҳаётнинг бутун мураккаблигини, турмуш қуриш ўйин эмас, балки якки ёшнинг катта масъулиятни зиммага олиб тақдирини бир умр бир-бирига боғлашини тақозо қилишини тўла тасаввур қилмайдилар. Баъзан эҳтиросли сўз, ташқи гўзаллик, ота-онанинг обрўси, молу дунё ҳамма нарсадан ортиқроқ кўриниб кетади. Бундай тушунчалар, интилишлар асосида қурилган турмуш мустаҳкам бўлмайди, ҳаётнинг биринчи қийинчилигига дуч келибоқ икки ёш ажрашиш йўлларини излай бошлайди. Соғлом оилада ҳаёт қийинчиликлари ёшларни бир-биридан йироқлаштирмайди, балки оилани яна ҳам инoқлаштиради. Ота-она эса ҳаётнинг ачиқ-чучугини тотганликлари учун фарзандларининг тақдири ҳақида кўпроқ, чуқурроқ ўйлайдилар. Ҳар ҳолда соғлом фикрли виждони тоза ота-оналар ҳаммаси шундай йўл тутадилар. Бу борада фақат ўзи билганича иш тутиб, ота-онанинг, яқин ёру биродарларнинг фикр ва маслаҳатларига қулоқ солмайдиган ёшлар ҳаётда кўп нарса йўқотадилар. Ҳар ҳолда бу йўқотиш ёшликда сезилмаса ҳам кейинроқ кўзга ташланади. Бу менинг ўз ҳаёт йўлим, бошқаларнинг тажрибасини умумлаштириб чиқарган хулосаларим. Ҳар ҳолда ота-она ва яқинларнинг фикр ва мулоҳазалари, шахсий эътиқоди ҳисобга олиниб қурилган оила барқарор бўлиши сир эмас. Турмуш қуриш олдидан йигит ҳам, қиз ҳам ота-онанинг розилигини олиши катта тарбиявий омил, ажойиб маънавий қадрият, деб биламан.

Ширин турмуш фақат бойлик, ташқи гўзаллик билангина белгиланмайди. Бу борада одоб, ахлоқ, виждонан бир-бирини ҳурмат қилиш, кундалик турмуш тақозо қиладиган барча юмушларга ҳозирлик муҳимдир. Келин гўзал, маълумотли бўлишидан ташқари камтарин, одобли, пазанда бўлиши, уй-рўзғор ишларини олиб боришни ҳам билиши керак. Шундай оилалар борки, ҳаётнинг мураккаб томонларини назардан соқит қилиб, қизларини ҳақиқий уй бекаси бўлишга тайёрламайдилар. Бу ҳол айрим вақтларда ёшлар ҳаётидаги зиддиятларга сабаб бўлади. Оила қуриш учун маълум маънавий ва амалий кўникмаларга эга бўлиш йигитларга ҳам тегишлидир.

Халқимизда яна бир одат бор. Тўйдан олдин қудалар келин ёки куёвнинг ота-онаси, яқинлари, қўни-қўшниларига келиб, ёшларнинг феъл-атвори, оиладаги муҳит ҳақида сўраб-суриштирадилар. Совчилар эса келиннинг уйига бориб, ошхонадаги тартибга, ҳовлидаги озодаликка назар ташлайдилар. Бу ҳам оддий нарса эмас. Ошхонага, ҳовлига бир назар ташлабоқ бўлажак келиннинг диди-фаросатига баҳо бериш мумкин. Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек оддий фактларнинг ўзиданоқ қиз қандай муҳитда тарбия топганини билиб олиш қийин эмас. Ахир, келин озода, покиза, чаққон бўлса, уй-рўзғор юмушларини яхши билса, бу унинг ҳам, янги оиланинг ҳам бахти.

Келин саломни ҳам оддий маданиятга, бошқаларни янги қариндош-уруғларни ҳурмат қилишга ўргатиш, деб айтсак хато бўлмайди. Ўзбек маҳаллаларида кўпинча келинлар саҳарлаб туриб кўчага сув сепиб-супуриб турганини кўрамиз. Баъзи одамлар шу ишни келиннинг вақтини беҳудага сарф қилиш, деб ўйлайдилар. Баъзи келинларимиз ҳам бу•одатга риоя қилишни ўзларига эп кўрмайдилар. Ахир, бу ҳам жисмоний тарбия, ҳам меҳнатсеварлик, покизалик ифодаси-ку. Нима учун келинлар спорт формаси кийиб олиб ҳовлида «бир, икки, уч» деб «бадантарбия» қилишларини маданият деб эътироф этамиз-у, саҳарлаб ҳовли супуришларини қолоқликка йўямиз?

Мамлакатимизда, жумладан республикамизда Советлар тузуми шароитида катта маданий ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар ўлкамизнинг жамолида, кишиларимизнинг маънавий дунёсида яққол кўзга ташланмоқда. Лекин бу маданий камолот йўлида баъзан хатоларга, моддий ва маънавий қадриятларни баҳолашда шошқалоқликларга ҳам йўл қўйдик. Булар ҳақида жиддий ўйлай билиш ҳам маънавий камолотнинг асосий шартларидан биридир. Бир вақтлар ўтмишнинг зарарли сарқити деб бешикка, сандалга (танчага) ҳам қарши қураш олиб бордик. Бу ерда ҳам кишилар турмушининг асрлар давомида синовдан ўтган кўпгина томонларини ўйламай-нетмай кундалик ҳаётдан суриб чиқардик. Ҳолбуки, иссиқ сандал теварагида ўтириш баданда қон айланишини яхшилайди, кишини шамоллашдан сақлайди. Қарангки, бешик ҳам керак нарса экан. Ахир ёш гўдак кечаси бир неча марта тагини ҳўллаб безотталанади. Она ҳам уйқуси бузилиб тунда бир неча марта гўдак ўралган йўргакларни алмаштиришга мажбур бўлади. Бешикдаги бола эса тоза жойда яхши ухлайди. Европалик медиклар кўрсатишича, бола ётганда унинг оёқ-қўли қанчалик кам қимирласа, у шунчалик тез ва тинч ухлар экан. Баъзан бешикда ётиш боланинг жисмоний ўсишига салбий таъсир кўрсатади, деб айтишади. Менимча, бу бирёқлама фикр.

Халқнинг экологик маданияти ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Бир вақтлар кўчаларга, айниқса қўни-қўшниларнинг уйи олдига ахлат ташлаш уят ҳисобланар эди. Бир бурда нон ушоғи ерда ётса тезда олиб, кўзга суртиб четга қўяр эдик. Оқадиган сувни ифлос қилиш ҳам маданиятсизлик, гуноҳ ҳисобланар эди. Нима учун ҳозир оқадиган сувлардан эски ботинка, сиғган шишадан тортиб, мушукнинг ўлигигача топиш мумкин?

Ҳа, ҳозирги кунда инсоний, миллий қадриятлар ҳақида яна ҳам оқилона, жиддий ўйлайдиган вақт келди. Уларга кўр-кўрона ёндашмасдан, ижобий томонларини унутмай, кундалик ҳаётга кенгроқ сингдиришга ҳаракат қилмоғимиз керак. Шундай вақтдагина минглаб йиллар мобайнида шаклланган маънавий қадриятлар социализм даврида яратилган маданий бойликлар билан қўшилиб тараққиётимизни тезлатади, ғоявий ва маънавий покликни таъминлашга ёрдамлашади. Ижобий маънавий қадриятларни бошқа халқларнинг маданий ҳаётидан ҳам олиб ўрганишимиз, ҳаётга татбиқ этишимиз мумкин. Келинг, ҳаммамиз бу ҳақда ўйлаб кўрайлик, фикр алмашайлик. Халқимизнинг яхши анъаналари, урф-одатлари, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, меҳмондўстлик, мусофирпарварлик, яхши қўни-қўшничилик, катта ва кичиклар, фарзандлар ва ота-оналар ўртасидаги ҳурмат сингари ажойиб инсоний хислатлари тиклансин, ривожлансин, қайта қуриш даври учун керак бўлган маънавий покликка хизмат қилсин.

Эркин ЮСУПОВ,
СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, СССР халқ депутати.

• *Ёшлар ижодидан*

ҚЎЗОҒИСТОН

ШОИР ҒАБИДДИН ҚУЛАҲМАДГА

Сариқ яйлов, сап-сариқ яйлов,
Ориқ яйлов, оп-ориқ яйлов.
Сенинг кўм-кўк либосинг қани!
Тақир яйлов ҳам сағир яйлов.
Аргумоқлар ўйноқлаб, кишнаб,
Яламайди энди амғин юзингни.
Упичга зор эканинг тош тишлаб
Гиёҳ йўқ, ҳатто босган кўзингни.
Кўлларингда кўк йўқ, нўхат йўқ,
Оёқларингда тог йўқ, тоқат йўқ.
Обингга санчилган тикан,
Сиқат йўқ, журъат йўқ, шиддат йўқ.
Бобом ёққан чироқларни излайман,
Ерга кирган чўнг тоғларни излайман.
Қутлуғ қарвон йўлларида эзилган
Гиёҳларни — гувоҳларни излайман.
Бошланар юрт Абайнинг ўланидан
Бошланар юрт Ўлжасининг кўламидан.
Бошланар юрт Кўктепа кўкламидан
Бошланар юрт авлодининг тўхтамидан.
Ёшланар юрт бир бева минг ғамидан,
Ғашланар юрт теванинг мотамидан.
Ташланар юрт тошюзли одамидан,
Бошланар юрт эрк сўзни оҳангидан.
Сариқ яйлов, сап-сариқ яйлов,
Ориқ яйлов, оп-ориқ яйлов,
Чоқ қозоқнинг соғ ўланидан
Ёруғ яйлов, ёп-ёруғ яйлов.

Тўра МИРЗО.

ДАРДИНГ ОЛАЙ...

(БОЛАЛАР УЙИДА ЕЗИЛГАН ШЕЪР)

Жовдираган кўзлар қаршилар бунда,
Меҳрга зор юзлар қаршилар бунда,
Ҳамма ёғи тўкис, тақдири кемтик,
«Онам» деган сўзлар қаршилар бунда.
— Сиз онам эмасми! — кўзларда савол,
— Сиз онам эмасми! — юзларда савол.
Онанг бўлгим келар шу дам, болажон,
Дардинг олгим келар шу дам, болажон.
Онанг қайлардадир саргардон кезар,
Онанг қайлардадир бевақдон кезар.
Ният — отангдан ўч олмоқ, болам.
Отанг омонат бахт, ишратда сузар.
Отанг борлигингни унутган буткул,
Ҳавоий ҳислариниг оғушида қул.
Тилга олгинг келмас номини ҳатто,
Сен унинг хатоси, тузалмас хато...
Онанг енгил ҳаёт кўчасида хор,
Кунлари бемазмун, тунларн беор.
Сен уни кутишдан толмайсан, болам.
Зор бўладн бир кун, изларнигга зор.
Кечир, янгиладим ярангни, кўзим,
Кечир, бошқа кутма онангни, кўзим.
Толенинг оқ бўлсин, Ватанинг омон,
Суян, Ватан бўлгай дардингга дармон.
Бир кун улғаясан инҳолдай ўсиб,
Онанг меҳр тилар йўлингни тўсиб.
Сен ўч ололмайсан, кечирасан жим,
Сен ўч ололмайсан, тилайман тўзим...
Болам, туғилганинг тупроқ қўлласин,
Атрофингда дўсту ўртоқ қўлласин.
Омон бўлсин иссиқ бағри Ватанининг,
Шу Ватанга меҳринг кўпроқ қўлласин,
Эсам — шеър, достоним камдир, болажон.
Берсам — азиз жоним камдир, болажон.
— Сиз ойим эмасми! — кўзларда савол,
— Сиз ойим эмасми! — юзларда савол...

Бибисора ТУРОБОВА.





Корея Халқ Демократик Республикасининг пойтахти — Пхеньянда жаҳон ёшлари ва студентларининг XIII фестивали якунланди. Йирик анжуман ёшлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик рамзига айланди.

Фестивалда Ўзбекистон ёшлари ҳам фаол қатнашди. Тошкентлик йигит ва қизлар совет клубида турли учрашувлар ўтказдилар. Энгельс номидаги Чет тиллар педагогика институтининг интернационал дўстлик клуби раиси Малика Абдусалимова Хитой Халқ Республикасидан борган меҳмон Ли Сяосун билан адабиётларни кўздан кечиришмоқда.

ТАСС телесурати.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Давлат физкультура ва спорт комитети
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФИЗКУЛЬТУРА ИНСТИТУТИ
1989—1990 ўқув йили учун

Студентлар қабул қилади

Институт кундуз куни таълим оладиган студентлардан спортнинг акробатика, баскетбол, бокс, кураш (классик, эркин, самбо, дзюдо ва миллий кураш), велоспорт, волейбол, гандбол, гимнастика, эшкакли спорт, енгил атлетика, ёзги ГТО кўп кураши (оммавий физкультура-соғломлаштириш ишларини ташкил этиш ва туризм), сузиш, теннис, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол, чим устида хоккей турлари бўйича физкультура ўқитувчилари-тренерлар тайёрлайди.

Институтга ўқишга кирувчилар ўзи танлаган спорт тури бўйича камида катталар III спорт разрядига эга бўлишлари лозим.

Илова: «Физкультура-соғломлаштириш ишларини ташкил этиш ва туризм» ихтисоси бўйича ўқишга кирувчилар ёзги ГТО кўп кураши ёки спортнинг бирон тури бўйича камида катталар III спорт разрядига эга бўлишлари лозим.

Кундузги ўқишга 35 ёшгача бўлган, маълумотлилар қабул қилинадилар.

СССРда хизмат кўрсатган спорт мастерлари, СССРнинг Халқаро классдаги спорт мастерлари, СССР спорт мастерлари, СССР ва иттифоқдош республикаларнинг хизмат кўрсатган тренерлари, СССР Қуролли Кучлари сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган шошилинч хизмат ҳарбий хизматчилари (хизмат бурчини ўтаб қайтгандан кейинги дастлабки уч йил мобайнида) танланган ихтисослик бўйича иш тажрибасига эга бўлган шахсларга тенглаштирилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги тартиб бўйича кириш имтиҳонларини топширадилар: спортнинг танлаб олинган тури (конкурсли), СФП (махсус жисмоний тайёргарлик), нормативлар (танлаб олинган спорт турига оид); сузиш; биология — огзаки (конкурсли); ўзбек ёки рус тили ва адабиёти (ёзма).

Ўқишга абитуриентларнинг фақат конкурсли имтиҳонларда олган баллари миқдорига кўра қабул қилинади. Бошқа имтиҳонлар «қониқарли» ва «қониқарсиз» тарзида баҳоланади.

«Оммавий физкультура-соғломлаштириш ишларини ташкил этиш ва туризм» ихтисоси бўйича ўқишга кирувчилар ёзги ГТО кўп кураши (100 м.га югуриш, кросс: йигитлар — 3000 м, қизлар 1000 м, сузиш — 100 м, граната улоқтириш, кичик калибрли милтиқдан 25 ёки 50 м.га отиш)дан имтиҳон топширадилар.

Илова: 16—18 ёшдаги йигит ва қизлар учун ҳам 1000 ва 500 м.га кросс мажбурийдир.

Қабул комиссиясининг 1989 йил 27 апрелдаги қарорига биноан (8-сон протокол) сиртқи таълим факультетига қабул планининг 40 процент ўрни тўғалланган ўрта физкультура маълумоти ва камида ўз ихтисоси бўйича 3 йил меҳнат стажига эга бўлган, суҳбатдан муваффақиятли ўтган ва биринчи конкурсли имтиҳонни қониқарли топширган ҳамда сузиш бўйича имтиҳондан ўтган кишиларга ажратилади. Бошқа абитуриентлар барча имтиҳонларни умумий асосларда топширадилар.

СССРда хизмат кўрсатган спорт мастерлари ва халқаро классдаги СССР спорт мастерлари спортнинг ўзлари танлаган тури бўйича кириш имтиҳонларидан озод этиладилар.

КУНДУЗГИ БЎЛИМДА ЎҚИШ МУДДАТИ — 4 ЙИЛ.

1989 йил 15 июлгача институт қошида абитуриентлар учун сузиш бўйича тайёрлов курслари ташкил этилган.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат (асли), сўнгги иш жойи ёки ўқиш еридан характеристика, меҳнат дафтарчасидан нусха (ишловчилар учун), медицина справкаси (086/У форма), 7 дона фотосурат (3х4 см.), классификация билети ва ГТО гувоҳномаси (асли) — ёшига алоқадор ҳолда.

Паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматга чақирилиш ҳақидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

ҲУЖЖАТЛАР КУНДУЗГИ БЎЛИМГА 15 ИЮЛГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари кундузги бўлимда — 16 июлдан 31 июлгача.

Студентлар сафига қабул — 1 августдан 5 августгача.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Институтга қабул қилинганлар тегишли низом ва табель формасига кўра стипендия билан таъминланадилар.

Бошқа шаҳарлардан келган студентларга ётоқхонадан жой берилади.

Институт адреси: 700052, Тошкент шаҳри, Новомосковская кўчаси, 2-уй.

• *Экология: ҳозир ва келажак*

ЖАННАТМАКОНМИ, АЗОБИЖОН?

Ҳа, Тошкент шаҳридаги кундалик ахлатларни ташиш учун 744 автомашина мавжуд бўлиб, шундан 158 таси ишга ярамайди. Ремонт қилиш учун эҳтиёт қисмлар етишмаганидан яна кунига 100—130 таси улар ёнига келиб «мук» тушади. Ваҳолонки, шаҳардаги кундалик ахлатларни ташишга 883 та «гижингляб» турган машина даркор. Ахир, шаҳардан кунига 3 минг 200 тонна ахлат чиқади-да! Чиқиндилар кўплигидан баъзан метрога кавланган хандакдар бир кечада тўлиб қолаверади. Шу ўринда дерматология ва венерология илмий текшириш институти клиникасининг бош врачи томонидан шаҳар санэпидстанцияси бошлиғи номигa ёзилган хат жавобларни эди: «Атрофимизда истиқомат қилувчилар шифохонамиз билан медицина институти оралиғида «қўлбола» ахлатхона барпо этишган. Бу эса юқумли касалликлар тарқалишига сабаб бўлмоқда. Қўланса ҳид беморларнинг соғайишига салбий таъсир этмоқда. Тез кунда бизни бу «бало»дан халос этишингизни сўраймиз».

Трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасидан — Мен уруш ветерани Бакутин бўламан. Шу ерда истиқомат қиламан.

— Бу бадбўй ҳид ниманики? — савол бердик унга.

— Анави ерда, менинг уйимдан беш қадам нарида эни, бўйи беш юз метрли ахлатхона барпо этилган. У ерга нималарни олиб келиб ташлашмайди, дейсиз. Чиригган мева-чевалар, ачиган таомлар кун исиб кетганидан шундай анқийдики... айниқса, ёз бўйи ҳар хил микроблар, пашшалар, суваракалар, сичқонларнинг «инкубатори»га айланади.

Бундай аҳволни шаҳримиздаги ҳар бир кварталда, ҳар бир районда учратиш мумкин. Сабабини аниқлаш мақсадида Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси бошлиғининг муовини Ғ. Рустамовга рўпара бўлдик.

— Уф-ф, — деб юборди у. — Айтган гапларингизнинг ҳаммасидан хабардормиз. Ўзимиз ҳам шаҳар айлангудек бўлсак, одамларга кўринмасак, деймиз. На илож! Шаҳримизни ободонлаштириб, чиннидек қилиб қўйиш учун қўлимиз калталик қиляпти.

— Нималар халақит бермоқда?

Ғафур Дониёрович ҳудди шу саволимизни кутиб тургандек бармоқларини бир бошдан букиб, ҳасрат дафтарини варақлай кетди.

— Биласизми, шаҳримизни кўкаламзорлаштириб, озода сақлаш учун ҳар йили 80 миллион сўм керак. Бизга эса бор-йўғи учдан бир қисмини беришади. Бу маблағга йўлкалар, кўчалар ремонти, кўчат экиш, фаррошларни ишлатиш, электр қуввати, коммуникациялар ўтказиш... Ажратилган маблағ урвоғ ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам шаҳримиз ободончиликда кейинги ўринга тушиб кетган. Қолаверса, қурувчилар ҳам ҳар қадамда бизга панд беришмоқда. Улар ҳар минг жон бошига ахлат учун 30 квадрат метрли жой тайёрлаб кетишлари керак. Шаҳримиздаги мавжуд 142 микрорайоннинг биронтасида буни учратмайсиз.

«Средазкабел» ишлаб чиқариш бирлашмасининг заҳарли суви Салор каналига оқизиб қўйилган. Директор Н. Шпильков бир йилдан буён сувни тозалайдиган иншоот қуришни ваъда қилади-ю, сўзининг устидан чиқмади. Мана, ниҳоят ўша цех ёпиб қўйилди. Бундан ташқари, шаҳримиздаги аҳоллар бўйига ўзбошимчалик билан қуриб олинган шахсий уйлар, саноат корхоналарининг цехлари бузиб ташланиши керак эди. Бу иш ҳам чала-чулпалигича ётибди. Аҳолларни тозалаб туриш учун икки соҳилидан транспорт йўли очадиган жонкуяр топилмаяпти. Шаҳарда яна атроф-муҳит ҳавосини тозалаш мақсадида, «Узбексельмаш», «Узбекхлопкомаш», Тошкент экскаватор заводи, «Таштекстильмаш», «Ташсельмаш» каби улкан корхоналарнинг қувв цехларини ёпиш чораси кўрилганди. Чунки бу цехлардан чиқаётган заҳарли моддалар инсон саломатлигининг кушандаси. Аммо цехларнинг ёпилиши у ёқда турсин, аксинча, қайта жиҳозланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қўпаймоқда.

Ҳавони ҳаддан ташқари заҳарли моддалар билан булғайдиган корхоналар атрофи яшил зоналарга айлантирилиши керак. Аммо бу масала ҳам эътибордан четда қолмоқда. Кўчирилиши керак бўлган 30 минг аҳоли ҳамон корхоналар биқинида, унинг заҳар заққум моддасидан «бахраманд» бўлган ҳолда истиқомат қилмоқда. Ҳукуматимизнинг заҳарли саноат чиқиндилари зарарсизлантирилиб, кўмиб ташланиши ҳақидаги чора-тадбирлари ҳам амалга ошмаяпти...

М. ПАРПИХЎЖАЕВ,
У. ШОРИХСИЕВ.

• *Дўстона мулоқотлар*

ИОРДАНИЯ САФАРИ

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг вакиллари Иордания сафаридан қайтиб келишди. Вакиллар у ерда «Умуминсоний маданиятларни ривожлантиришда ислом динининг моҳиятини» еттинчи анжуманн ишида қатнашдн. Бу тадбирни Иордания қироллиги Ислом маданий меросини ўрганиш академияси уюштирган.

Шу муносабат билан Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди:

— Мамлакатимизда олиб борилаётган қайта қуриш шарофати туфайли жаҳондаги араб давлатлари мусулмонлари билан алоқаларимиз кенгайиб бормоқда. Бу Совет Иттифоқи ҳукуматининг жаҳон халқлари ўртасидаги тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган оқилона сиёсатига муносиб ҳисса қўшади.

Анжуман ишида Иордания қироллиги Ислом маданий меросини ўрганиш академиясининг кўзга кўринган уламолари турли мавзуларда сўзга чиқиб, фикр ва мулоҳазаларни изҳор қилдилар. Мажлислардан бирида камнага ҳам сўз берилди. Мен 1974 йилда Самарқанд шаҳрида «Имом Бухорий ва ҳозирги замон» мавзуида ўтган ислом дини анжуманн ҳақида ахборот бердим. Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳис Саломнинг суннатлари бўйича мутафаккир кишилар томонидан ёзиб қолдирилган китоблар, илмий ишлар ва уларнинг аҳамиятини тарғиб этиш хусусидаги маълумотларни айтиб бердим. Келгуси йили Имом Термизий туғилган кунининг 1200 йиллик таваллудлари муносабати билан халқаро илмий анжуман ўтказилишига доир режалар ҳозирланаётганлиги ҳақида гапирдим.

Ҳозирги пайтда бизнинг совет жамиятимизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар, шу жумладан мусулмонлар ҳаётидаги қувончли воқеалар ҳақида қатор мисоллар келтирдим. Бу ахборотлар анжуман қатнашчиларида кўп яхши таассуротлар қолдирди. Иордания газеталари, журналлари, радио ва телевидениеси бизнинг суҳбатларимиз, учрашувларимизни қизиқиш билан ёритдилар.

Сафар чоғида бир қатор араб мамлакатлари диний муассасаларининг намояндалари билан бўлган учрашувларда алоқаларимизни янада ривожлантириш, уламолар, муаллимлар ва талабаларнинг вакиллари сафарини айрибошлаш ҳақида фикрларимиз бир жойдан чиқди.

Иордания Ваҳф ишлари ва ислом дини муқаддас жойлари министрлиги Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасига илтифот кўрсатди. Бу яқин кунларда бизнинг ихтиёримизга етказиб бериладиган юз минг нусха қуръон ва ислом динига оид адабиётлардир.

Сафаримиз чоғида биз жаҳондаги Қатар, Оман, Султонлиги мамлакатлари, АҚШдаги жаҳон ислом фикрлари институти билан алоқалар ўрнатишга муяссар бўлдик.

Бундан ташқари Иорданияда истиқомат қилувчи Ўзбекистон зурёдлари билан суҳбатлашдик. Улар Нуриддин, Бадриддин, Муҳаммад, Бухорийлар бўлиб, турли соҳаларнинг оддий меҳнаткашларидир. Бу кишилар Ўзбекистондаги қариндошуруғларига кўп саломлар айтиб юборишди.

Суҳбатни
А. ПЎЛАТОВ
ёзиб олди.

Ўзбекистон ССР Госснабининг
РЕСПУБЛИКА КОММЕРЦИЯ-АХБОРОТ МАРКАЗИ
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 1989 ЙИЛ 19 ИЮЛДАН БОШЛАБ 21 ИЮЛГАЧА
маҳсулотлар етказиб бериш юзасидан хўжаликлар ўртасида алоқалар ўрнатиш ва корхоналар ўртасида шартномалар тузиш, корхоналар ва ташкилотлар томонидан янги маҳсулотларни реклама қилиш ва халқ талабини ўрганиш бўйича
РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ САНОАТ ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ
1989 ЙИЛ 20 ИЮЛЬ СОАТ 11.00 ДА
Катта эҳтиёж сезилган ишлаб чиқариш-техника маҳсулотларини сотиш бўйича
КИМ ОШДИ САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ
Ярмарка ва ким ошди савдоси ишида қатнашиш учун саноат ва қишлоқ хўжалиги бирлашмалари, корхоналар, қурилишлар, кооперативларнинг вакиллари ва хусусий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи кишилар таклиф қилинадилар.
Ярмарка-ким ошди савдоси қуйидаги адреса ўтказилади: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 45-уй. Кооператорлар уйи.
Ярмарка-ким ошди савдосида қатнашиш ва меҳмонхоналардан жойлар банд қилиб қўйиш учун буюртмаларни қуйидаги адреса беришларингизни сўраймиз: 700038, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй.
Справкалар учун телефонлар — 41-11-20, 41-32-71.

Ўзбекистон Совет Энциклопедияси Бош редакцияси коллективи География, медицина-биология фанлари редакциясининг илмий муҳаррирн Н. Бобомуҳамедовага турмуш ўртоги

Абдуллай БОБОМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ССР Агросаноат банкининг Ўзбекистон республика банки коллективи ССР Агросаноат банкининг Сирдарё область бошқармаси бошлиғи Ф. М. Муллажоновга отаси

Махсутжон МУЛЛАЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекфильм» киностудияси коллективи Ўзбекистон ССР халқ артисти

Ирода АЛИЕВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумаиинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими Ўрта Осиё пиллачилик илмий-тадқиқот институти коллективи биотехнология лабораториясининг катта илмий ходими, биология фанлари номзоди Н. Холмирзаевга отаси

Мамадали ХОЛМИРЗАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СПОРТ

ШАХМАТ:

ФАХРЛИ ЎРИН

Ўзбекистон касаба союзлари кўнгилли физкультура-спорт жамияти чемпионатида турли областлардан тўпланган шахматчилар ўзаро дона сурдилар. Аёллар ўртасида ўтказилган бу мусобақада бухоролик М. Ҳакимова муваффақиятли ўйнаб, биринчи ўринни эгалладн. Тошкентлик Н. Бубенцова билан А. Гусевалар голибликг супасининг иккинчи ва учинчи погоналарига кўтарилишди.

ЁШЛАР ЎЙИНЛАРИ:

ГОЛИБЛИККА ДАЪВОГАРЛАР

Мамлакатимиз турли шаҳарларида Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинлари программаси бўйича финал баҳсларн давом этмоқда. Республикамиз вакиллари спорт турлари бўйича мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, команда ҳисобидаги мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишмоқда. Чунончи, Донецк шаҳрида енгил атлетикачилар ўзаро куч синашмоқдалар. Ўнкурашчилар баҳси кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Республикамиз вакили Р. Ганиев совриндор ўринлардан бирини олишга уринмоқда. У ҳозирча 100 метрга югуриш, узунликка сакраш, ядро иргитиш, баландга сакраш ва 400 метрга югуришда 4189 очко тўплаб, пешқадамлар сафидан жой олиб турибди. Шунингдек, югурувчилардан А. Кучмуродов, Г. Ботарева, Н. Ротачлар ҳам фахрли ўринларга даъвогарлик қилишмоқда. Васильков шаҳрида эса чим хоккейчилар ўйнашмоқда. Хоккейчиларимиз етти очко тўплаб, пешқадамлар сафидан жой олиб туришибди.

• *Мақоламизни ўқиб*

«АФҒОН НИДОСИ»

Газетамизнинг шу йил 20 ва 21 июнь сонларида «Афғон индоси» сарлавҳали ихтимоий очерк босилган эди. Редакцияга газетхонлардан шу очеркка муносабат билдирилган кўплаб хат-хабарлар келяпти. Уларда мақолада кўтарилган мавзу жойларда тўла қўллаб-қувватланаётганлиги баён этилади. Қуйида ана шу мактубларнинг айримлари билан танишасиз.

ПОКЛИК ВА ҲАЛОЛЛИК

Ижтимоий очеркни ўқиб, ҳайратга тушдим. Ўзи нима бўляпти? Меҳр, оқибат, одамгарчилик ва инсонийлик туйғулари қаерга кетяпти? Наҳотки баъзи шифокор-у, масъул ходимлар инсоф ва имонни унутган бўлсалар?

Мақолани ўқиб хаёлимга машҳур рус сатирик ёзувчиси Салтиков-Шчедриннинг одамийликдан бегона, ўз она-Ватани тақдирига, умуман, пул топишдан бошқа ҳамма нарсага бефарқ қарайдиган одамдан хавфлироқ зот йўқ, деган сўзлари келди.

Давлат шифохоналарини «ота мерос» қилиб олган бир талай врачларнинг «мушуги»ни пишт дейдиган бирор масъул ходим топилмаганидан ҳайронман. Бу «алоҳида табақалар» ҳалол ва покиза, ўз ишини сидқидилдан яхши кўрадиган врачларимизнинг шанига қачонгача доғ бўлиб юришади? Мен 1983 йилда оғир дардга чалиндим. Москвада ўсма касалликлар илмий-тадқиқот институтининг урология бўлимида профессор Б. П. Матвеев оғир операцияни муваффақиятли ўтказди. Аста-секин соғайиб, ҳаётга қайтдим. Шундай қўли енгил, қалби пок шифокорлар сони кўпаяверсин!

Ҳамма масъул ходимларни, врачларни ёмонотлиқ қилиш инсофдан эмас. Улар орасида халқпарвар, меҳрибонлари анчагина. Аммо «отдан тушса ҳам узангисидан тушмайдиган»ларини бу қутлуғ соҳадан четлатиш керак. Умуман, бугунги кунда ҳаётимизнинг асосий мезони — поклик ва ҳалоллик бўлиб қолди.

Т. ҚУШМАТОВ,
Поп районидаги 20-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ТАЪЗИМ ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Очеркни ўқиб, вужудимиз ларзага келди. Ошкоралик ва демократия ниқоби остида ўз шахсий манфаатини кўзловчилар боплаб фош этилган.

Ҳасанбойлик байналминал жангчи Равшан Мақсудов каби юзлаб, минглаб ватанпарварлар жонларини фидо қилиб, Ватан топшириғини бажардилар. Бўрихўжаев, Тошпўлатов, Муҳаммаджонов ва бошқалар жангчи Равшанлар олдида бош эгиб, таъзим қилишлари, вужудида бор меҳрларини ҳадя этишлари керак эди. Уларда инсонийлик журъати етармикан? Маҳкамачилик, манманлик, кибр-ҳаво қачонгача давом этади?

Ҳозирданоқ кўриниб турибди: революцион қайта қуриш, демократия ва ошкоралик баъзиларнинг ҳақиқий башарасини фош қилиб ташламоқда. Ҳаёт тақозоси бу!

Т. САРИМСОҚОВ,
Ўзбекистон районидаги 51-мактабининг бошланғич партия ташкилоти секретари.

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 01334. В. — 162. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12